Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 100 (4498).
5 МАЙ 1981 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

В. И. Ленин Кремлдаги ўз иш кабинетида. Москва, 1918 йил 16 октябрь.

БОШ МУҲБИРИМИЗДАН

БУГУН — МАТБУОТ КУНИ

МУЪТАБАР ДАРГОҲДА

Табаррук саҳифа

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали ўзининг нодир ва қимматли экспонатлари билан юз минглаб зиёратчиларнинг эътиборини тортмоқда. Матбуот куни муносабати билан газета ва журналлар тарихига доир экспонатлар олдида қизғин суҳбатлар бораётганлигини эшитиш мумкин.

Зиёратчиларнинг диққатини жалб этаётган нодир экспонатлардан бири ҳаммамиз учун севимли бўлган «Правда» газетасининг биринчи сонидир. Бу табаррук саҳифа газетанинг асл нусхаси асосида верстка қилиниб, тайёрланган, Ундан пролетариатнинг улуғ доҳийси Владимир Ильич Ленининг газета нашр этилиши муносабати билан ёзган қуйидаги сўзлари ўрин олган:

«Петербург ишчилари кундалик ишчи газетасини йўлга қўйиш билан, муболағасиз айтиш мумкинки, жуда катта тарихий ишни бажардилар».

Ўша даврда бу газетанинг мунтазам нашр этилишини йўлга қўйиш учун маблағ керак эди. Мамлакатнинг турли бурчакларидан газета фондига пул юборила бошланди. Надежда Константиновна Крупскаянинг олинаётган пулларни қайд этиб борган ён дафтарчаси ҳам ана шу газета ёнидан ўрин олган. Бу дафтарчада Тошкент ишчилари «Правда» фондига тўққиз сўм йигирма тийин юборганликлари қайд этилган.

1912 йил газета саҳифасида Тошкентдан юборилган қуйидаги хат ҳам босилиб чиқди. Унда бундай дейилади: «Биз Тошкент ишчилари 7 — 8 киши бўлиб, «Правда» газетасини табриклаймиз ва уни қўллаб-қувватлаш учун газета фондига йигирма икки сўм юбордик».

Россияда чинакам пролетар революциясини вужудга келтиришда газетанинг роли беқиёс бўлган. Доҳий В. И. Ленин унинг саҳифаларида мунтазам мақола ва хатлари билан қатнашиб турган. 1912 йилнинг бошидан 1914 йилгача газета саҳифаларида доҳийнинг 280 та мақола ва хати босилиб чиққан.

Ф. МИРРАҲИМБОЕВА,
В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалининг илмий ходими.

КПСС XXVI съезди қарорларини амалга оширамиз

ҚУРУВЧИ МИНБАРИ

БРИГАДА ПУДРАТИ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Аҳолининг турмуш шароитларини янада яхшилаш, халқ фаровонлигини оширишга имкон берадиган улкан бунёдкорлик программасини муваффақиятли амалга оширишда қурилиш ишлаб чиқаришининг форма ва методларини янада такомиллаштириб бориш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам КПСС XXVI съездида қабул қилинган «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 — 1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»да **«Ишларни пудрат ва хўжалик усулида юритиш такомиллаштирилсин. Қурилишни ташкил этишнинг прогрессив формалари: комплект блокли, вахтали, узеллар бўйича ва бошқа формалари ҳар томонлама ривожлантирилсин»**, деб кўрсатиб ўтилди.

Партиямиз белгилаб берган бу режаларни муваффақиятли амалга ошираётган бригадамиз коллективи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Злобин методи асосида ишлаб, юксак меҳнат унумдорлигига эришмоқда. Коллективимиз бу усулга Тошкент қурилиш Бош бошқармасидаги бригадалар ўртасида биринчилардан бўлиб кўшилган эди. Биз 1976 йилдан буён бригада пудрати асосида ишлаб объектларни мунтазам равишда муддатидан илгари қуришга муваффақ бўляпмиз.

Бригадамизда асосан 17 киши ишлайди. Биз қурилиш бошқармамиз ва трест билан тузилган ўзаро шартномага мувофиқ асосан уй-жой биноларининг пойдевор қисмини қуришга иқтисослашганмиз. Монтаж ишларини эса ёрдамчи пудратчи бўлган бошқа бригада амалга оширади. Биз мунтазам равишда биноларнинг пойдевор қисмини қурилишини ўз вақтида амалга ошириб, монтажчилар учун зарур иш вақти яратиб берамиз. Бригадамиз қурувчиларининг аралаш касбларни яхши эгаллаганлиги, шунингдек бригада пудрати методи шартларига аниқ риоя этилаётганлиги учун ҳам биз ўртача 80 квартирали беш қаватли бинонинг пойдевор қисмини атиги 10—12 кун ичида қўлдан чиқаришга муваффақ бўляпмиз.

Бу албатта, бригада пудратининг самараларини аниқ кўрсатувчи мисоллардир. Ўтган беш йилликда бригадамиз коллективи икки беш йиллик топшириқни бажаришга аҳд қилган эди. Биз бу мажбуриятимизни ҳам муддатидан илгари бажаришга муваффақ бўлдик.

Шу кунларда Юнусободнинг СВ—1 микрорайонидаги 82-уй-жой биносининг пойдевор қисмида ишлаётган коллективимиз йилнинг ўтган тўрт ойи ичида 200 минг сўмликка яқин қурилиш-монтаж ишларини амалга оширди. Меҳнат унумдорлиги эса 141 процентни ташкил этди.

Албатта биз бундан буён ҳам бригада пудрати бўйича ишни ташкил этишни янада яхшилаб, иш миқёсларини такомиллаштириб борамиз. Ҳеч шубҳасиз, бу ўн биринчи беш йилликда пойтахтимизда уй-жой қурилиши программасини янада ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш имконини беради.

Б. ШУКУРОВ,
Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли уй-жой қурилиш трести 40-бошқармасининг бригада бошлиғи.

ШАҲРИМ-ФАҲРИМ

ҒАЙРАТГА-ҒАЙРАТ ҚЎШИБ

Шу кунларда «Гордорстройремонт» трести йўлсозлари пойтахтимиз кўча ва проспектларини ободонлаштириш ишларини кенг миқёсда олиб боришяпти. 1980 йил ва ўнинчи беш йиллик Бутуниттифоқ социалистик мусобакаси якунларига кўра йўлсозлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил Байроқлари эсдалик нишонлари билан мукофотланиб СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмасининг Бутуниттифоқ «Ҳурмат тахта»сига ёзилдилар.

Бу меҳнат муваффақиятларининг қўлга киритилишида трест шўҳратга-шўҳрат қўшиб келаётган мусобақа пешқадамларининг муносиб хизматлари бор. Ўзбекистон Компартияси XX съезди делегати, йўлсоз ишчи С. Расулов, шунингдек Н. Йўлчиев, В. Бистров, З. Халиулов, Н. Ҳожиматов, М. Чанжалис, М. Мухаматуллин, В. Садко, И. Аҳмадуллинлар етакчилик қилаётган бригада аъзолари ўзаро беллашувда голиблик қилиб, намуна бўлмоқдалар.

Ана шундай кўплаб пешқадам бинокорларнинг кучи билан Абу Али ибн Сино, Гагарин, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳайкалларининг комплекслари бунёд этилиб, уларнинг атрофларида ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. 18 километрли янги магистрал кўчалар қурилиб, фойдаланишга топширилди. 7 миллион квадрат метрдан иборат майдон, кўча, хиёбонлар капитал ремонт қилиниб ободонлаштирилди.

Трест йўлсозлари бу йил бош пудрат бўйича 13 миллион 115 минг сўмлик, ўз кучлари билан эса 12 миллион 935 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишлари керак. Шунингдек, асфальт-бетон ва йўл қурилиши материаллари заводи ишчилари 5 миллион 116 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқардилар.

Байроқдорлар йиллик планни 25 декабргача бажариб, пландан ташқари 40 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш ҳамда 60 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига 2 миллион сўм фойда олиш юзасидан мажбурият қабул қилишган.

Бу йил трест аҳли энг муҳим объектлардан ҳисобланган Аҳмад Дониш кўчаси, Охунбобоев майдони, Бўзсув канали тўғони атрофларини ободонлаштириш ҳамда бир неча кўча, майдон, ҳиёбонларни капитал ремонтдан чиқаришга аҳд қилишган.

— Коллективимиз КПСС XXVI съезди қарорларини ўз фаолияти учун асосий дастуриламал деб билиб, «Асосий йўналишлар»да белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш учун бутун кучи ва ғайратини сафарбар этмоқда. — дейди трест партия комитетининг секретари Анвар Эгамбердиев.— Мақсадимиз ўтган йилги зарблор сўръатни сусайтирмай, йиллик планни муддатидан илгари адо этилишига пухта замин яратишдир.

Э. ТЎЛАГАНОВ.

▲ ИШЧИНИНГ ҚАЛБ СЎЗЛАРИ

ЗЎР ҚИЗИҚИШ БИЛАН

СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводининг ишчи ва хизматчилари корхонада нашр этиладиган «Тракторостроитель» газетасининг ҳар бир сонини қизиқиш билан кутиб оладилар. Матбуот куни арафасида ана шу газетанинг бир мингинчи сони нашрдан чиқди.

Газетанинг юбилей сонида корхона партия комитетининг секретари Х. Н. Шагиевнинг газетанинг жанговар фаолияти ва унинг аҳамиятига доир мақоласи ўрин олган.

Газетанинг ички саҳифаларида улуғвор беш йилликлар мобайнида корхона ишлаб чиқаришининг ўсиши, ишчилар сўлоласининг кўпайиши ҳақида ҳикоя қилинади. Газетанинг ишчи мухбирлари Л. Луденко, А. Пак, О. Иванчуклар ўзларининг турли мақолаларида ишчининг меҳнатини ва ҳаётини ёритганлар.

Газета ўз саҳифаларида «Коммунистлар ҳақида ҳикоялар», «Меҳнатда камол топган», «Комсомол прожектори, «Тежамкорлик бош масала» каби рубрикалар остида ранг-баранг материаллар бериб келмоқда.

Ғ. РАЗЗОҚОВ,
Тошкент трактор заводи ишчиси.

«Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг биринчи босмахонаси коллективи учун 3 миллион 400 минг нусха ўқув қўлланмалари чоп этади. Коллектив шу кунларда ана шу эзгу ният билан меҳнат қилиппти.

СУРАТДА: муқовалаш цехининг илғор ишчиларидан бири Муҳаррам Усмонова акс этган. У тайёр қўлланмаларни жўнатишга ҳозирлаяпти.

И. Глауберзон фотоси.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЕЗУВЧИ, «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» ЖУРНАЛИНИНГ БОШ РЕДАКТОРИ МИРМУҲСИН (М. МИРСАИДОВ)НИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари учун ва туғилган кунига қилинган йил тўлиши муносабати билан ёзувчи, «Шарқ юлдузи» журналининг бош редактори **Мирмуҳсин** (Мирмуҳсин Мирсаидов) Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1981 йил 30 апрель.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ М. МИРСАИДОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ЕЗУВЧИСИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон совет адабиётини ривожлантириш соҳасидаги катта хизматлари учун ёзувчи Ўртоқ Мирмуҳсин Мирсаидовга «Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХЎЖАЕВ
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ғ. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри. 1981 йил 30 апрель.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан Конго Меҳнат партияси Марказий Комитетининг Раиси, Конго Халқ Республикасининг Президенти, давлат бошлиғи, Министрлар Советининг Раиси Дени Сассу-Нгессо партия-давлат делегациясига бошлиқ бўлиб, шу йил май ойининг ўрталарида расмий дўстлик визити билан Совет Иттифоқига келади.

● СССР Фанлар академиясининг президиуми 1981 йилги Карл Маркс номидаги олтин медалларни академик Петр Николаевич Федосеева ва ўртоқ Густав Гусакка беришга қарор қилди.

Карл Маркс номидаги олтин медаль СССР Фанлар академиясининг олий мукофоти бўлиб, ижтимоий фанлар соҳасидаги жуда катта ютуқлар учун берилади.

ҚАРДОШЛАРИМИЗ МАДАНИЯТИ КЎРГАЗМАСИ

Шу кунларда Ўзбекистонда Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунларини ўтказишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Республика нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетида маълум қилишларича, Навоий кўчасидаги 30-уйда Тожикистон китоблари кўргазмасини ташкил этиш тараддуди олиб борилмоқда.

20 майда очиладиган бу китоблар кўргазмаси 600 экспонатдан иборат бўлади. Унда қардош республиканинг барча нашриётларида кейинги йилларда чоп этилган асарлар намойиш этилади. Кўргазмадан тожик классик адабиётининг буюк намояндаси Абдураҳмон Жомий, тожик ва ўзбек совет адабиётларининг йирик вакили Садриддин Айний, тожик адиблари —Улуғзода, Аминзода, Аюбий, Ашур-Сафар, Вализода, М. Раҳимий, Ф. Ниёзий. Мўмин Қаноат, Г. Мирзо, С. Тўлқин каби қатор адибларнинг романлари, киссалари, шеърий китоблари намойиш этилади.

ОБ-ҲАВО ВА МЕДИЦИНА

Ғарб томонидан кириб келган салқин ҳаво оқими туфайли атмосфера босими 3-4 миллиметр қалинлашиб, намлик 20—30 процент пасаяди. Бундай кунларда ҳаво бўлутланиб турсада, ёғингарчилик бўлиши кутилмайди. Шарқдан секундига 4—5 метр тезлик билан шамол эсади. Кечалари 13—16, кундузлари 24—27 даража иссиқ бўлади.

Семашко номли курортология ва физиотерапия институти мутахассисларининг фикрича ҳавонинг бундай ноқислиги кўпчилик беморларни безовта қилмайди. Бундай пайтда дори-дармонларни қабул қилишни камайтириб, кўпроқ очиқ ҳавода юриш тавсия этилади.

З. МАҲАМАТИЛЛАЕВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

БОЛА ТАРБИЯСИГА БАҒИШЛАНДИ

Мактаб ўқитувчиларининг ўз ўқувчилари ота-оналари билан жойларда, маҳаллаларда учрашувлар ўтказиб туришлари яхши анъанага айланмоқда. Бундай учрашувларда айниқса, бола тарбияси муаммолари ҳақида жиддий сўз юритилмоқда. Худди мана шу мавзу бўйича Акмал Икромов район Бешқайроғоч массиви 56 — ЖЭК қарамоғидаги Ҳамид Олимжон номли коттеж-маҳалла клубида қизиқарли кеча бўлиб ўтди.

Кечада маҳалла ижтиқоматчилари, пенсионерлар, мактаб ўқитувчилари иштирок этишди.

Кечани кекса педагог Ў. Эрназаров қисқача кириш сўзи билан очди. 123-ўрта мактаб директори А. Музроббеков ва тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари А. Муҳаммадалиевларнинг «Бола тарбияси ҳақида», «Ота-она ва фарзанд тарбияси», «Мактаб ва ота-оналар», «Фарзанд тарбиясида мактаб, коллектив ва шахс» каби мавзуларда ўтказган суҳбат-лекция л а р и тингловчиларда яхши таассурот қолдирди.

С. РИЗАЕВ,
филология фанлари кандидати, доцент.

26-КРАСНОАРМЕЙСК САЙЛОВ ОКРУГИДАН ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ СОСТАВИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг «Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғрисида» Қонунининг 56 ва 57-моддаларига асосан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

26-Красноармейск сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияси жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективлари вакилларидан иборат қуйидаги составда тасдиқлансин:

Раис — **Шарифхўжаев** Мурод — Тошкент халқ хўжалиги институти бошлиғи коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Глипкина** Валентина Федоровна — Ўзбекистон шаҳарсозлик лойиҳа илмий-тадқиқот институти ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Секретарь— **Анакина Галина** Александровна —«Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи коммунистик ташкилотидан.

Комиссия аъзолари:

Косьянова Наталья Владимировна — Марказий телеграф Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошлиғи ташкилотидан.

Ломато Лидия Ивановна — 90-ўрта мактаб ўқитувчилари коллективидан.

Муротов Жавлон Ҳайдарович — 6-пиво заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Мусаев Шарофиддин Ўринбосиев — «Лифтремонт» ремонт-қурилиш бошқармаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Чернякова Надежда Николаевна — илмий-техника ахбороти институти Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошлиғи ташкилотидан.

Шарифхўжаев Сайдамин— «Главсредазирсовхозт р о й» бошлиғи коммунистик ташкилотидан.

Ижроия комитет раиси
В. О. КОЗИМОВ.
Секретарь
М. М. МАРТЬЯНОВА.

Енгил атлетика бўйича шаҳар эстафетаси

Оммавий спорт байрами

3 май куни Тошкентда фашистлар Германияси устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 36 йиллигига бағишланган шаҳар енгил атлетика эстафетаси бўлиб ўтди. Алишер Навоий номли театр олдида танланган суръатда старт берилди. Бу йилги эстафетада 45 команда иштирок этди. Ҳар бир команда составида 23 спортчи бор эди. Шундай қилиб эстафетада 1050 киши голиблик учун курашди.

Спортчилар югуриб ўтадиган масофанинг умумий узунлиги 11 километр 100 метр эди. Бу масофа 23 боскичга бўлинган бўлиб, 16 боскич стартларида эркаклар қатнашишди. Етти боскичда эса қизлар ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Умумий узунлиги 850 метрдан иборат бўлган биринчи боскичда бу сафар ҳам Тошкент Давлат физкультура институтининг студентлари ўзларини кўрсатишди. Бу боскичда институт командаси шарафини биринчи курс студенти Александр Усов ҳимоя қилган эди. У маррага ҳаммадан тез келди. Бу спортчига «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг кубоги топширилди. Александрнинг дастлабки муваффақиятини унинг командадош дўстлари давом эттиришди. Бу команда составида тўсиқлар оша югуриш бўйича спорт мастери, СССР терма командасининг аъзоси Абдурамон Ибрагимов ҳам бор эди. Якуловчи боскичда эса ўтган йили Москвада бўлган XXII Олимпиада ўйинларининг қатнашчиси, 4-курс студенти Александр Харлов стартга чиқди. У команда муваффақиятини таъминлашга катта ҳисса қўшди. Умумий якунда физкультура институтининг командаси биринчи ўринни эгаллади. Бу командага шаҳар спорт комитетининг совғини ва дипломи топширилди.

Иккинчи ўринни Тошкент тўқимачилик комбинатининг вакиллари, учинчи ўринни эса В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг спортчилари эгалладилар.

Айни пайтда алоҳида группалар бўйича ҳам голиблар аниқланди. Олий ўқув юртларининг командалари ўртасида ўтказилган мусобақада автомобиль йўллари институти иккинчи ўринни эгаллади. Тошкент политехника институтининг физкультурачи л а р и учинчи бўлишди.

Техникумлар ўртасидаги мусобақага якун чиқарилганида совриндорлар қуйидагича жойлашишди: темир йўл техникуми, алоқа техникуми, қурилиш техникуми.

Беллашувлар шуни кўрсатдики, Киров районининг ўқувчилари эстафетага жуда яхши тайёргарлик кўришган. Жумладан, районнинг биринчи командаси биринчи ўринни, иккинчи командаси учинчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўринга эса Чилонзор районининг ўқувчилари эгаладилар.

Эстафетага якун чиқарилганида шу нарса маълум бўлдики, қатнашчиларнинг маҳоратлари йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

М. ОТАХОНОВ,
И. АЛИМОВ.

Бугун—Матбуот куни

ҲАЁТ КЎЗГУСИ

Тарих солномасидан

Меҳнат аҳли, ишчилар учун ҳақиқат сўзини етказувчи матбуот органи ташкил қилинаётганда унга «Правда» — («Ҳақиқат») деб ном берилгани бежиз эмас эди. Халқ ҳақиқатни севади!

... 1912 йилнинг 22 апрель (5 май) куни Петербург ишчилари учун катта байрамга айланди. Газета босмахонаси атрофи эрта тонгданоқ ишчилар билан тўлиб кетди. Негаки, «Правда» газетасининг биринчи сони босилмоқда эди. Ҳақиқатан ҳам газета саҳифаларида босилган ҳар бир мақолада оддий меҳнаткашнинг дилидаги ҳақ гаплар, келгусидаги орзу-тилаклари, ҳаётларининг мазмуни ўз ифодасини топганди.

В. И. Ленининг жуда катта ташкилотчилиги, голвий раҳбарлиги ва муҳаррирлигида нашр этилган газета биринчи сонидан бошлабоқ минг-минглаб оддий кишиларнинг меҳру-муҳаббатини қозонди. Ҳар йили «Правда» газетаси чоп қилинган кунни тантанали байрам сифатида нишонлаш одат тусига кирди. Бу албатта меҳнаткашларнинг ўз матбуот органларига бўлган меҳру-муҳаббати, ҳурматини айни ҳолда «Правда» газетаси ўз ўқувчилари ишончини шараф билан оқлаётганлигини, улар дилига йўл топа олганини кўрсатади.

ВКП(б) Марказий Комитетининг махсус қарорига мувофиқ 1922 йилдан бошлаб, «Правда» газетаси чиққан кун совет матбуотининг традицион байрамига айланди.

В. И. Ленин жаҳон коммунистик матбуотининг ташкилотчиси ва голвий раҳбари сифатида матбуот назариясини марксча позицияда туриб баҳолай олган буюк назариётчи, узоқни кўра оладиган донишманд, талабчан ва билимдон редактор, қалами ўткир журналист эди. Оиғли ҳаётини, ижодий фаолиятини матбуот — газета-журнал билан чамбарчас боғлаган Владимир Ильич барча жанрда мувaффақиятли ижод қилар ва ўз касбини фахр билан «ёзувчи», «публицист», «журналист» деб кўрсатарди.

В. И. Ленин матбуотнинг жуда катта тарбиявий қурол эканлигини олдиндан башорат қилди, унинг асосий функцияси ва вазифаларини аниқ, равшан кўрсатиб берди.

Доҳий 1901 йилда ёзган «Нимадан бошламоқ керак?» номли машҳур мақоласида «Ишнинг боши, муддаомиздаги ташкилотни тузиш йўлидаги биринчи амалий қадам, ниҳоят бу ташкилотни тўхтовсиз суратда ривожлантира олишимизга ёрдам берадиган ҳамда биз тутиб олишимиз лозим бўлган асосий восита умумрус сиёсий газетани ташкил қилишдан иборат бўлмоғи керак» деб уқтирганди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин совет матбуоти чинакам ўсиш ва улғайиш палласига қадам қўйди. Чунки, Коммунистик партия бу борада тинмай ғамхўрлик қилди. 1917 йил 28 октябрдаёқ (10 ноябрь) Матбуот ҳақида, шу йил 29 декабрда (11 январь, 1918 йил) Давлат нашриёти ҳақидаги Декрет эълон қилинди, бу ҳужжатларда совет газета ва журналларининг асосий фаолияти аниқ кўрсатиб берилди.

Эндиликда эса совет кишилари дунёдаги энг кўп газетхон ва журналхон ҳисобланади. Яъни, ҳар бир совет оиласига ўртача тўртдан нашр тўғри келади. Ҳозир мамлакатимизда 8 минг номдаги газета қардош халқларнинг 56 тилида бир галги тиражи 170 миллиондан ортиқ нусхада босилаётир. 6862 журнал ва шу типдаги нашрлар 3 миллиард 47 миллион нусхада чиқмоқда. Газета ва журналларимиз чинакам оммавий ва умумхалқ минбарига айланди. Негаки, матбуотимиз ҳамиша ҳақиқат сўзини оммага етказишга, ҳаётнинг чинакам кўзгуси бўлишга, меҳнаткаш оммани доимо руҳлантириб боришга ҳаракат қилади. «Правда» ва «Известия» газеталари ҳар йили ўз ўқувчиларидан ўртача ярим миллиондан ортиқ хат-хабар олиб туради. Ушбу хатларнинг аксарияти газета саҳифаларида эълон қилинади. Бу хат-хабарлар ва мақола авторлари турли касб ва турли ёшдаги совет гражданларидир. Буларнинг ҳаммаси совет матбуотининг чинакам оммавийлиги ва умумхалқ минбари эканлигидан далолат беради. Биргина Ўзбекистонда чиқаётган 270 газета, 142 журналга ўқувчиларнинг ихлослари ниҳоятда катталигини улар йўллаётган минглаб мактублар яққол кўрсатиб турибди.

Совет матбуоти — халқ дилининг кўзгуси. Ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съезда эди: **«Бизнинг партиямиз совет журналистларининг кўп минг кишилик отрядига зўр ишонч билан қарайди, уларнинг оғир меҳнатини ғоят қадрлайди. Табиийки, оммавий ахборот ва пропаганда воситаларимизнинг ҳамиша партия ва умумхалқ жамоатчилик фикрининг чинакам минбари бўлиб қолишидан ҳаммамиз манфаатдормиз».** Ўз байрамларини муносиб нишонлаётган газета, журнал, нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ходимлари самарали меҳнати туфайли ана шундай баҳога сазовор бўлишяпти.

Н. САЪДУЛЛАЕВ,
филология фанлари кандидати.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида газета-ротация цехи коллективи икки беш йилликдан буён коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли номни оқлаб келяпти. Республикамиз, мамлакатимиз ва жаҳон мамлакатларида бўлиб ўтаётган кундалик янгиликлардан миллионлаб газетхонларни ўз вақтида хабардор қилиш учун икки юзга яқин матбаачи кечаю кундуз жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилади. Цехда ҳатто байрам кунлари ҳам ишлар қизғин, агрегатлар тиним билмайди.

Ҳамма шоҳли саналар қатори матбаачилар коллективи ўз касб байрамлари — Матбуот кунини муносиб меҳнат совғалари билан нишонладилар. Маҳсулот ишлаб чиқариш тўрт ойлик топшириғи муддатидан илгари 104,5 процент қилиб бажарилди.

БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

ШАРАФЛИ НОМГА ЯРАША

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида газета-ротация цехи коллективи икки беш йилликдан буён коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли номни оқлаб келяпти. Республикамиз, мамлакатимиз ва жаҳон мамлакатларида бўлиб ўтаётган кундалик янгиликлардан миллионлаб газетхонларни ўз вақтида хабардор қилиш учун икки юзга яқин матбаачи кечаю кундуз жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилади. Цехда ҳатто байрам кунлари ҳам ишлар қизғин, агрегатлар тиним билмайди.

— Газета-ротация цехи биносида, — деб ҳикоя қилади цех бошлиғи Анвар Насруллаевич, — ҳар куни турли тиражларда 25 номда 4,5 миллион нусхадан ортиқ маҳаллий, область, республика ва марказий газета босиб чиқарилади. Ўзбек, рус, тожик, татар, грек тилларида газеталарнинг кундалик сонларини ўқиш мумкин. Ўтган ойдан бошлаб босиб чиқарилаётган саккиз саҳифали «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси тобора оммабоп бўлиб бормоқда. Бу газета «ГА» маркали газета агрегатида икки хил бўёқда босиб чиқарилмоқда.

Цех коллективи газеталари юксак полиграфия даражасида, браксиз, қатъий график асосида босиб чиқаришни ўзига қоида қилиб олган. Ҳақиқатда ишлаб келаётган коммунист, меҳнат ветерани А. Н. Муҳамедов бошчилик қиляпти.

Цехда тажрибали, ташаббускор ва ватанпарвар ишчиларни кўплаб учратиш мумкин. Алимжон Убайдуллаев билан Ҳасан Исмоилов коллектив ўртасида биринчи бўлиб беш йиллик шахсий топшириқларини тўрт йилда бажариш, уларнинг ҳар бири ўз агрегатида йил давомида 5 тонна газета босиладиган қоғозни тежаш, икки ёш ишчига ўз касбини ўргатиш юзасидан оширилган социалистик мажбурият қабул қилишди. Бу ташаббус бутун коллектив ўртасида кенг қулоч ёйди. Тайёр маҳсулотни қабул қилиб олувчи коммунист Роза Зуфарова билан Тамара Кузминчикова ҳам социалистик мусобақа пешқадамлари ҳисобланади. Матбаачиларнинг асосий мақсади — ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилини сифат ва самарадорлик, зарбдор меҳнат йилига айлантиришдан иборатдир. Бу —умумбосмахона коллективи эришаётган ютуққа қўшилган муносиб ҳисса бўлади.

А. ОБИДХЎЖАЕВ.

СУРАТДА: газета-ротация цехининг илғор печатниклари, коммунистик меҳнат зарбдорлари (чапдан-ўнгга) Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими С. Қорахўжаев ва А. Хайитовларни кўриб турибсиз. Улар «Беш йилликни муддатидан илгари бажарамиз» шиори остида меҳнат қилишяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

Кўп нусхали газеталар фаолиятидан

ИШЧИ-МУХБИРЛАР МАДАДИГА ТАЯНИБ

Аввало, газетамиз тарихидан бир шингил эшитинг.

1930 йилда темир йўл транспорти ходимлари иштирокида ишчи-мухбирларнинг йиғилиши бўлиб ўтади.

Шундан буён заводимизда кўп нусхали газета чоп этиб келинади. Ўша даврда газета асосий диққат-эътиборни брак маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга, ишёқмас ва ичкиликбозларга қаратарди. Газетада аросан танқидий мақолалар ёритилиб, шунга монанд равишда «Омбир», «Клеши» деб номланар эди.

Ўша пайтларда «Клеши» газетасининг материалларини асосан ишчи-мухбирлардан Чижков ва Галкин жамоатчилик асосида бажарардилар. «Клеши» номли газетани тайёрлашда бирқанча қийинчиликлар бўлган. Эндигина ташкил этилган редакция учун алоҳида жой ҳам ажратилмаган эди. Газета чиқариш билан боғлиқ барча ишлари ишдан ажралмаган ҳолда ишчи-мухбирлар ўзларининг бўш пайтларида бажаришар эди. «Клеши» рус тилида чиқар, кейинроқ ўзбек тилида ҳам чиқа бошлаган.

Ҳа, газетамизнинг қисқача таърифи шундай. Дастлабки кўп нусхали газетамиз бундан 51 йил муқаддам ана шундай шароитда дунёга келганди.

Айни кунларда эса ўзбек ва рус тилларида чиқаётган «Қизилшарқчилар гудоғи» — «Гудок Красновосточника» газеталарини корхонамиз кўзгуси дейиш мумкин. У завод партия, касаба союз, комсомол комитетлари ҳамда завод бошқармасининг жанговар ёрдамчисидир.

Корхонамизнинг ҳар бир цехида актив ишчи-мухбирлардан иборат постлар ишлаб турибди. Ишчи-мухбирлардан П. Файзиев, И. Норматов, М. Миродилов, Ҳ. Қуриёзов, А. Коськов ва бошқалар бизга яқиндан ёрдам беришяпти. Газетада босилган танқидий хат-хабарлар юзасидан «Жавоб берадилар» рубрикаси остида қандай чора-тадбирлар кўрилганлиги ёритиб борилади. Бу эса ишимизда ижобий натижалар беряпти.

КПСС XXVI съезди қарорларини пропаганда қилишга муҳим эътиборни қаратяпмиз. Масалан, газетамиз саҳифаларидаги кекса ишчи, механика цехининг токари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдушукур Қодиров, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Ўзбекистон Компартияси XX съезди делегати, электр-машина цехининг бригада бошлиғи Н. Железновнинг дил сўзларини, электр-аппарат цехининг илғор ишчиси, шаҳар Советининг депутати, Ўзбекистон Компартияси XX съезди делегати А. Бессчетнова, Октябрь Революцияси ҳамда Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери, чўян-қуюв цехининг зарбдор ишчиларидан бири Абдуллажон Сўлтонмуродовларнинг мақолаларини айтиб ўтиш ўринлидир. Улар ўз сўзларида партиямиз белгилаб берган режалар аҳамияти ва моҳиятини лўнда очиб бердилар.

Кези келганда шуни айтиш лозимки, муҳим танқидий материаллар газетада чоп этилгандан сўнг партия, касаба союз, комсомол комитетлари йиғилишларида муҳокама этилади. Биз газета материалларининг савияси ва таъсирчанлигини ошириш учун бундан буён ҳам ишчил иш олиб бораверамиз. Бунда ишчи-мухбирларимиз ёрдамига таянамиз.

А. БАҲОДИРОВ,
кўп нусхали «Қизилшарқчилар гудоғи» газетасининг редактори.

Тошкент—жаҳонга

120 мамлакатга

Ўзбекистонда нашр этилаётган китоблар ер курраси аҳолисининг кўп мамлакатларининг илмий-тадқиқот масканларига, кутубхоналарига етиб бормоқда. Республика китоб савдоси бирлашмасига қарашли китоб экспорт бўлими кейинги пайтларда жуда кўп адабиётларни чет элларга чиқармоқда.

Республикамиз китобларини сотиб олаётган мамлакатларнинг умумий сони ҳозирги пайтда 120 та бўлди.

Китоб почта бўлими шарқнинг буюк шоири Умар Хайёмнинг «Рубоийлар»ини бир қатор социалистик мамлакатларга юборди. Тожик адиблари Каримзоданинг «Қорли довон», Жалол Икромийнинг «Олов қиз»и романларини араб тилида Сурия, Ливия, Ливан, Жазоир, Австрия, Япония каби мамлакатларга жўнатди. Бундан ташқари ўзбек шоири Шукрулловнинг «Сенинг орзуларинг» шеърлар тўплами Монголия, Вьетнам, Руминия, Югославия, Чехословакия, ГДР, Болгарияга юборишди.

Муносиб нашрлар билан

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига қарашли «Фан» нашриёти босмахонасининг коллективи Матбуот кунини меҳнатда муносиб ютуқлар билан кутиб олмоқда. Шу кунларда бу босмахонада бир қатор қимматли янги асарлар босмадан чиқарилди. Таврич Ойбек тўла танланган асарларининг XVIII томи, Ҳамид Олимжон асарларининг III томи, Ҳамзанинг III томи шу ойда китобхонлар қўлига етади.

Босмахона директори Х. Шомаҳмудов коллективнинг олиб бораётган ишлари ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

— Коллективимиз шарқнинг буюк аллома олими Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари»нинг жилдларини тайёрлаётганлиги билан фахрланади. Ҳозиргача бу қимматли асарнинг тўртта китоби босмадан чиқарилди ва ўқувчилар қўлига бориб етди. Йил охиригача қолган жилдлари босиб бўлинади.

Босмахонада ишлаб чиқариш қувватини ошириш мақсадида реконструкция ишлари олиб борилаяпти. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган янги-янги полиграфия машиналари ва дастгоҳлари ўрнатилиб, ишга туширилмоқда. Реконструкция тугагач янада кўплаб маҳсулот ишлаб чиқариладиган бўлади.

МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

Собир Раҳимов район ошхоналар трестининг ёрдамчи хўжалиги меҳнатчилари юксак кўрсаткичларни қўлга киритдилар. 1981 йилнинг биринчи квартал якунларига кўра социалистик мусобақада эришган муваффақиятлари учун коллективга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи топширилди.

Қисқа вақт ичида район ошхоналар трестининг чўчқа-бўрдоқичилик хўжалиги шаҳарда энг рентабелли бўлиб қолди. Биринчи кварталда семиртириш плани 180 процент бажарилди. Бундай натижага энг аввало мустаҳкам моддий-техника базаси яратиш туфайли эришилди. Қулай бинолар қурилди. Улар орасида 1500 бош чўчқани бўрдоқига боқишга мўлжалланган бино, бостирмалар, омбор ва ёрдамчи бинолар, хизмат кўрсатувчилар учун бинолар бор. Шу йилнинг ўтган уч ойи ичида хўжалик 214 центнер гўшт реализация қилди. Бу социалистик мажбуриятдагидан салкам икки ҳисса кўпдир.

Озиқ-овқат чиқиндиларидан чўчқаларни боқишда оқилона фойдаланаётганлиги туфайли хўжалик иши самарали бўляпти. Бунинг ялпи ҳажми 89 процентга етди. Бу эса арзон гўшт етиштириш имконини беряпти. 1 центнер гўштнинг таннархи 132 сўмни ташкил этди. Хўжалик меҳнаткашлари ўз бурчларини аъло даражада бажаришяпти. Улар орасида Надежда Ивановна Карасьева, Василий Алексеевич Корчагинлар бор.

Шу кунларда ёрдамчи хўжалик коллективига шу йилнинг биринчи квартал якунларига кўра Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи, шунингдек 1980 йил якунларига кўра Ўзбекистон КП шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети, давлат савдоси ва матлубот кооперацияси ходимлари касаба союзларининг область комитети ва шаҳар комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилди.

— Эришилган ютуқлар шундан далолат бериб турибдики, Собир Раҳимов район ошхоналар трестида КПСС XXVI съезди қарорлари изчил ва қатъият билан амалга ошириляпти, — деб таъкидлади йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон ССР савдо министрининг ўринбосари К. Н. Комилова. — съезд яқин йилларнинг асосий вазифаларидан бири сифатида озиқ-овқат программасини амалга ошириш режаларини белгилаб берди. Коллективнинг ишлаб чиқариш барча имкониятларидан фойдаланишга интилиши диққатга сазовордир. Шунинг учун ҳам республика Савдо министрлиги сизларнинг ташаббусингизни тўла қўллаб-қувватлайди.

Бу трестнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичларида яққол кўриниб турибди. Бу ерда беш йилликда товар оборот 1182 минг сўмга ёки 113,4 процент ўсди. Социалистик мусобақа кенг тус олганлиги натижасида бу ерда ишнинг бир маромда боришига, барча корхоналар планларининг бажарилишига эришилди. Савдо маданиятини ошириш, хизмат кўрсатишнинг прогрессив форма ва методларини жорий этиш борасида ҳам кўпгина ишлар қилинди.

— Ошхоналар трести коллективининг ўз зиммасига олган юксак марралари — ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида меҳнатнинг оқилона ташкил этилганлиги натижасидир, — деди йиғилишда сўзга чиққан район партия комитетининг иккинчи секретари В. И. Мурашов. — Район партия ташкилоти ёрдамчи хўжаликни янада ривожлантириш учун барча зарур тадбирларни кўради.

— Бизнинг коллективимиз юксак мукофотни оқлашга ҳаракат қилади ва ўз ишини янада яхшилаш учун бутун куч-ғайратини сарфлайди, — деди ошхоналар трестининг директори Т. М. Ражабов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини қабул қилиб ола туриб.—Трестимиз коллективи КПСС XXVI съезди қарорларидан руҳланиб, бу йил ёрдамчи хўжаликдаги чўчқалар сонини 5 мингга етказиш ва 200 тонна гўшт топшириш мажбуриятини олди.

Трест меҳнатчиларининг белгиланган маррага эришишларига шак-шубҳа йўқ. Чунки буннинг учун ҳамма имкониятлар бор.

А. ҲАТАМОВ.

СУРАТДА: Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини топшириш пайти.

А. Абалян фотоси.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ГДР КЕМАСОЗЛАРИ ҲУЗУРИДА

БЕРЛИН. Шу беш йиллик бошланиши билан ГДР кемасозлари кемаларининг янги типларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга киришдилар. Ҳозир Штральзунд даги «Фолькс-верфт» кемасозлик корхонасида «Атлантик—33» типидаги замонавий балиқ овлаш ва музлатиш кемаси қурилмоқда. У энг замонавий машинаускуналар билан таъминланади ва ҳар қандай фаслда турли денгиз кенгликларида ов қила оладиган бўлади.

Халқ ҳокимияти йилларида Штральзуддаги кемасозлик корхонаси балиқ овлаш кемалари қуриладиган йирик марказга айланди. Бу ерда жами 1300 тага яқин кўп тоннажли балиқ овлаш кемаси ва бошқа ов кемалари қуриб берилди, уларнинг анчагина қисми совет балиқ овлаш флоти составига қўшилди.

Варнемюндаги «Варнов— верфт» кемасозлик корхонасининг конструкторлари билан технологлари «Меркур—2» типидаги контейнер ташиш кемасининг такомиллаштирилган нусхасини яратишга киришдилар. Совет савдо флотига мўлжалланган мана шу типдаги биринчи кемани қуришга ёш ишчиларнинг бригадалари шу йилнинг ёзида киришиш мажбуриятини олдилар.

ОШКОРА АРАЛАШУВ

ДЕҲЛИ. Американинг махсус хизмат маҳкамалари Ҳиндистоннинг ички ишларига ошкора аралашмоқдалар. Панжоб штатининг бош министри Дарбара Сингҳнинг айтишича, МРБнинг пул тўлаб туриладиган агентларидан бири, Америка граждани Г. Диллон штатнинг Покистон билан чегарадош районларида сепаратчи гуруҳларнинг ғалаёнларини активлаштириш мақсадида ўз ишини жуда қучайтириб юборди. У ана шу мақсада экстремистларнинг вакиллари билан учрашди ва уларнинг йиғинларидан бирида сўзга чиқиб, мусулмонлар «диний жамоа» давлатини ташкил этишга даъват этди.

Панжоблик сепаратчилар, деб уқтиради маҳаллий матбуот, АҚШ ва Покистоннинг махсус хизмат маҳкамалари билан бевосита алоқа ўрнатдилар. Сепаратчиларнинг вакиллари йўл-йўриқлар ва молиявий ёрдам олиш учун АҚШ ва Покистонга равона бўлмоқдалар.

Американинг махсус хизмат маҳкамалари Ҳиндистоннинг шимоли-шарқида ҳам актив иш кўрмоқдалар, бу ерда сепаратчиларнинг қуроллари ҳужумлари тўхтамаяпти. Американинг Калькутадаги маданият маркази ўтказаётган ҳар хил «семинарлар»га ўзининг Ҳиндистон ҳукуматига душманлик муносабати билан маълум бўлган кимсалар мунтазам равишда келиб турибдилар. Кейинги вақтларда Америка разведкаси Афғонистондан қочган босмачилардан ўзининг дастёрлари сифатида фойдаланмоқда. Ана шу босмачилар таълим олганларидан кейин Ҳиндистон территориясида қуролли кучлар тўғрисида жосуслик маълумотларини тўплаш билан шуғулланадилар, экстремист унсурларни ҳукуматга қарши курашишга гиж-гижлайдилар.

ДУНЁ ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

СОФИЯ. Халқ ҳокимияти йиллари мобайнида София аҳолиси 1 миллион кишидан кўпроқ бўлган йирик иқтисодий, сиёсий ва маданий марказга айланди. Ҳозирги вақтда бу ерда ҳар йили 16—17 минга квартира, ўнлаб болалар боғчалари, яслилар, мактаблар, касалхоналар, магазинлар ва маданият муассасалари барпо этилмоқда. «София» халқ маданият саройининг ҳашаматли биноси шаҳар қурилишида эришилган сўнгги ютуқ бўлди. Яқинда Болгария коммунистларининг XII съезди ана шу бинода ўтказилди.

Пойтахтни ривожлантиришнинг 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган бош плани Софияни намунали социалистик шаҳарга айлантиришни кўзда тутади.

БРАТИСЛАВА. Словакия пойтахтида халқ ҳокимияти йиллари мобайнида юз мингинчи юбилей квартираси қурилди. Бу квартира Старий гай микрорайонига кўчиб келган оилага таннанали равишда топширилди. Республика қурувчилари янги беш йиллик мобайнида 22 мингтадан кўпроқ квартирани барпо этадилар.

БАШИНГТОН. Америка пойтахтида «ортиқча кишилар» армияси кўпайиб бормоқда. Бу ерда эълон қилинган расмий маълумотларга кўра Вашингтонда февраль ойида ишсизлар сони 25.700 кишига етиб, ўтган ойдагига нисбатан 0,3 процент ва ўтган йилнинг февралига нисбатан қариб 8 процент кўпайган. Жуда қаттиқ кризиса учраган бинокорлик саноати ишчилари ўртасида ишсизларнинг айниқса кескин кўпайганлиги қайд этилди.

АҚШ пойтахтидаги ишсизлик даражаси февраль ойида мамлакатдаги ўртача даражадан ошиб кетди, ўртача даража эса меҳнатга қобилиятли аҳолининг 7,3 процентини ташкил этди.

ДЕҲЛИ. Ҳриана штатининг Фаридобод шаҳрида Ҳиндистон аҳолиси энг қашшоқ табақалари учун мўлжалланган йирик уй-жой комплекси қурила бошланди. Яқин йиллар ичида штатнинг мана шу тез ўсиб бораётган саноат марказидаги кам ҳақ тўланадиган ишчи ва хизматчиларнинг юзлаб оилалари янги квартиралар олади. Жамоат ишлари ва уй-жой қурилиши министри Б. Нараннсингҳ биринчи тош қўйиш маросимида сўзга чиқиб, Ҳиндистон ҳукумати уй-жой етишмаслиги ўткир проблемасини ҳал этишга катта аҳамият бераётганлигини айтди.

ТОКИО. Японияннинг катта порт шаҳри Кобедаги уй-жой кварталларининг бирида кучли ёнғин чиқди. Натижада 109 оила бошпанасиз қолди.

ЧУҚУР ТАНАЗЗУЛ ҲОЛАТИДА

ЛОНДОН. Бу ерда Англия экономикасидаги аҳвол тўғрисида Британия саноат конфедерацияси —мамлакатнинг етакчи компаниялари ва фирмаларини бирлаштирувчи ташкилот тайёрлаган обзор эълон қилинди. Ана шу ҳужжатдан маълум бўлишича, Буюк Британия экономикаси ҳамон чуқур таназзул ҳолатида турибди. Саноатдаги кризисли тенденциялар, дейилади обзорда, кейинги ойларда муттасил қучайиб борди. Айни вақтда, деб уқтиришади конфедерациянинг экспертлари, яқин вақтлардаги иқтисодий истиқболлар жуда ноҳуш бўлиб қолмоқда.

Мамлакатнинг салкам 2 минг компанияси ўртасида ўтказилган савол-жавоб натижалари, деб уқтиришади ҳужжатда, жумладан Буюк Британияда ҳозир саноат ишлаб чиқариши ҳажми, масалан, 1975 йилги даражадан 12 процент паст эканлигидан далолат беради. Ҳозирги вақтда Англия саноат корхоналарининг 82 проценти ўзининг ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдалана олмайди. Компанияларнинг 93 проценти эса келгуси тўрт ой ичида буюртмаларнинг тобора қисқариб кетишини кутмоқда, деб таъкидланади обзорда.

Мамлакатдаги иқтисодий аҳволга мўътабар мутахассислар бераётган баҳо консерваторлар ҳукуматининг Буюк Британия учун «мушкул даврлар» ўтиб кетди, унинг иқтисодий тараққиётида «бурилиш пайти бошланмоқда» деган даъволарини батамом рад этади.

МРБ қаноти остида

ОТТАВА. «Армиянинг дала формасини кийиб олган ва қўлларида ярим автомат милтиқ бўлган киши тўсатдан буталар орасидан чиқиб қолди. Мен ўзимни танитдим. Уларнинг бири ихчам радио передатчик орқали испан тилида нималарнидир айтди. Бироз ўтгандан кейин армиянинг жип машинаси келиб тўхтади, унинг кузовида яна олти киши бор эди. Уларнинг ҳаммаси қуролланган эди». Оттавада чиқадиган «Ситизен» газетасининг мухбири Куба контрреволюцион муртадларнинг Флорида штатидаги ҳарбийлаштирилган лагерида бўлиши тўғрисидаги репортажини ана шу сўзлар билан бошлаган. Бу лагерь Майамидаги халқаро аэропортдан автомашинада йигирма минутлик йўлдаги Эверглейдс деган жойдадир.

Контрреволюционерлардан сал кам 600 киши у ерда Америка маъмурларининг тўла ҳомийлигидан фойдаланиб ҳарбий тайёргарликдан ўтмоқда.

Ҳарбийлаштирилган бу лагерь ўн бир ойдан бери ишлаб турибди, апрелда эса бу ерда «экспедицион зарбдор отряд» туза бошладилар. Гарчи шайкининг бошлиғи лагерь жойлашган ана шу 25 гектардан ортиқ ер кимга қарашли эканлигини ва «зарбдор отряд»нинг вазифаси нимадан иборат эканлигини маълум қилишдан қатъиян бош тортган бўлсада контрреволюционерлар кўраётган тайёргарликнинг мақсадлари асло сир бўлмаса керак.

Канада мухбирининг репортажи — АҚШда ўнлаб қўпорувчи террорчи гуруҳлар марказий разведка бошқармасининг қаноти остида ин қуриб олганлигидан иборат шубҳасиз фактни кўрсатувчи яна бир далилдир. Айни вақтда бу репортаж «халқаро тероризм билан кураш» кампаниясини авж олдириб юборган Америка маъмурлари риёкорлигининг навбатдаги исботидир.

Музикага ёшликдан уйғонган ҳавасни илғаб олиш ва ёш талантларни тарбиялаш уларнинг келгусида тез қанот ёзишларига ёрдам беради. Тошкентдаги Глиэр номли музика мактаб-интернатида 650 дан ортиқ ёшлар музика сирларини ўрганмоқдалар. Чапдаги суратда— мактабнинг ветеран ўқитувчиси Бўрибой Мирзааҳмедов шогирди Рустам Аҳмедовга рубоб сирларини, ўнгдаги суратда эса, музика ўқитувчиси Жаҳонгир Иброҳимов аълочи ўқувчи Ира Левшовага виолончель сирларини қунт билан ўргатишяпти.

Н. Муҳаммаднонов фотолари.

Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди

БУ—ДОНДА БЎЛГАН ЭДИ

ОЛМАОТАДАН ХАТ

1942 йилнинг нотинч саратон кунларидан бирида шундай бўлди. 127-ўқчи дивизиясининг составига кирувчи 547-ўқчи полкимиз Дон чўллари бўйлаб 120 километр масофани босиб ўтиб, Воронеж яқинидаги Калач районига етиб борди...

Эртасига Павловск шаҳри Конституция, Дондаги Александровка қишлоқлари атрофида мудофаа ташкил қилдик. Куч ва жанговар техника жиҳатидан устун бўлган душман Дондан кечиб ўтишга ҳаракат қилар эди. Биз асосан мудофаага амал қилардик. Деярли ҳар кун кечаси душманнинг мудофаа чизигига разведкачилар юборилар, жуда муҳим ҳужжатлар ва ахборотлар олинар эди. Шунда қилиб, ўз мудофаамизни мустаҳкамлар эдик. Кўп ҳолларда разведкачиларимиз душманнинг мудофаа чизигини кесиб ўтиб ўт очиш нуқталарини вайрон қилишар, жангчи ва офицерларни асир олиб келишарди. Бу ерда бўлган жангларда жуда кўп қизил армиячилар, шу жумладан Аҳмаджон Юсупов, Мирза Сафаров ва бошқалар ҳам алоҳида жасорат кўрсатишди.

Жанг майдонида жасурлик, қаҳрамонлик кўрсатиш, фашист босқинчиларига нисбатан нафрат туйғусини қўзғатиш учун жуда кўп ишлар амалга ошириларди. Оқибатда ғалаба биз томонда бўлишига ишонч жангчиларга сингдириларди. Ҳар бир кишига алоҳида тушунтириш ишларига катта аҳамият бериларди. Шу ўринда жангчи Юсупов билан бўлган воқеани эслашга тўғри келади. Уни сафдошлари тошкентлик Аҳмаджон деб чақиришарди.

А. Юсупов жанговар топшириқни тез ва ўз вақтида бажарадиган жангчи эди. У жанговар ҳаракатларда алоҳида ўнак кўрсатарди. Айни пайтда ўқчи бўлинмасида агитаторлик вазифасини бажарарди. Мерган жангчи эди. Рус тилини мукаммал билмаганлиги учун сўзлашаётганда ўзбекча сўзларни қўшиб юборар, шу билан дўстларининг ҳазил-мутойибасига сабаб бўлар эди. Қувноқ йигит эди. Шу боисдан ҳам бўш вақтларда дўстларини кулдириб ўтирар эди.

Кутилмаганда Аҳмаджон жанговар тартибни бузганлиги ҳақидаги ҳабарни эшитганимда ҳайрон бўлиб қолдим. Ўшанда мен полк комсомол комитетининг етакчиси бўлиб ишлардим. Лекин бу ҳодиса бўлганлиги аниқ эди. Жанговар постда турган Аҳмаджон бўлинма командирининг рухсатисиз Дон соҳилига яқинлашган ва нариги соҳилдаги душманнинг ҳаракатларини кузата бошлаган. Икки фашистни аниқ нишонга олиб, сафдан чиқарган. Бироқ душман ўқ отилган жойни сезиб қолган...

Батальон командири бу воқеа ҳақида телефон орқали полк команда пунктига хабар қилганида трубкани полк комиссари Г. А. Майстриенко қўтарган. У батальон командирининг докладини тинглаб бўлгач, қисқа қилиб:

— Взводни бошқа жойга кўчиринглар, ҳушёрликни оширинглар! Яқинда ўзим етиб бораман, — деган.

Комиссар батальонга келаётганида мендан Юсупов ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди. У билан бирга 1942 йилнинг июль ойидан буён бир ротада хизмат қилаётганимни, ҳозиржавоб, сахий инсон эканлигини айтдим.

Батальоннинг команда пунктида батарея командирининг рапортини тинглаб жангчилар билан саломлашиб бўлганидан кейин комиссар сўради:

— Талофот йўқми? Ҳамма марадан олиб кетилдими?

— Бўлинма тўла ҳолда бошқа жойга кўчирилди. Талофот йўқ. Бўлинма командири сержант Н. Зубенко енгил жароҳатланди, — жавоб берди батарея командири.—Улар ҳозир жуда қулай жойга кўчирилган.

Комиссар ҳандақ йўллари бўйлаб юриб, бўлинма жангчилари билан таниш чиқди. Улардан ҳол-аҳвол сўради. Бўлинма командири Николай Зубенко ўрнидан турди. Унинг билаги бинт билан ўралган эди. Бўлган воқеа ҳақидаги ахборотни қўйилган сўзлар билан тугатди:

— Ўрток батальон комиссари. Ҳаммаси учун мен айбдорман. Жангчи Юсуповнинг олдингга чиққанлиги ва душманни кузата бошлаганлигини кўрмай қолдим. Аслида у жуда интизомли жангчи...

Жанг алангаларида тобланган коммунист, тажрибали сиёсий ходим — батальон комиссари Григорьий Александрович Майстриенко жангчининг руҳиятини, унинг маънавий дунёси, оғир пайтларда ўзини қандай тутишини яхши билар эди. Чунки буларнинг ҳаммасини у ўз бошидан кечирганди. Қисқа қилиб айтганда, у жангчининг қалбини равшан кўра биларди. Шу боисдан ҳам ҳар бир нарсани синчиклаб текширар, ана шундан кейингина қатъий бир қарорга келарди. Бу сафар ҳам у ўзига сидқ қолди. Жангчилардан бўлган воқеанинг тафсилотини сўраганда, уларга командирнинг бўйруғини бажариш муқаддас эканлигини тушунтириш назарда тутган эди.

Суҳбат жуда эркин бўлди. Комиссар ҳамсуҳбатларини рост гапни сўзлашга чорлади. Ўзи ҳам дилдан сўзлаб, уларни хурсанд этди. Бу коллективда ўзига хос иноқлик муҳитини вужудга келтирди. Шундан кейин у бўлинмани дам олишга кузатди. Фақат Аҳмаджон Юсуповни олиб қолди.

— Қани айтингчи, жангчи Юсупов, сизни командиркинг рухсатсиз дарё соҳилига чиқиш ва ўт очишга нима мажбур қилди?

— Ниятим. Менда бошқа мақсад йўқ эди. Нариги соҳилда фашистларнинг ҳудди мехмонга келган одамлардек эркин сайр қилиб юришни ғазабимни қўзғаб юборди. Ўзимни тутолмадим...

Юсупов бошини қуйи эгди ва томоғига бир нарса тиқилиб қолгандек тек туриб қолди... У комиссарга ҳарбий интизомга доимо риоя этажасини айтди...

Г. А. Майстриенко сиёсий ходимлар, бўлинма командирларига чидамлилик, жангчиларга ишонч билдиришни ўргатар эди. У «Ишонч жангчига кучқувват бағишлайди, дадиллик беради, ишонмаслик эса унинг руҳини туширади» деган гапни тез-тез такрорлаб турарди.

А. Юсупов комиссарга берган сўзининг ҳудасидан чиқди. Н. Зубенко взвод командири этиб тайинланганидан кейин у бўлинма командири бўлди. Ёш сержант ўз бўлинмасини бир неча марта жангга бошлаб борди. Қаҳрамонларча олишди.

1942 йилнинг октябрь ойида бўлган ҳодиса ҳозиргача кўз ўнгимда. Биз мудофаа қилиб турган жойдаги баландлик душманнинг қўлида эди. Бу тепаликдан 547-ўқчи полкимизнинг мудофаа чизиги яққол кўзга ташланиб турарди. Айниқса Дондаги Александровка ва Конституция қишлоқларида жойлашган 7-ротани аниқ кўриш мумкин эди. Шу боисдан ҳам бу жойни жангчилар ачиниш билан «кўрмачак» деб аташарди. Худди шу жойдан фашистлар бир неча марта ёриб ўтишга ҳаракат қилди. Октябрь ойи кунларидан бирида улар яна бир марта қатъий жангга киришдилар. Бирданига дарёда душманларнинг қайиқлари пайдо бўлиб қолди. Улар тўлиб бўлганлиги учун кўзга элас-элас ташланарди. Бу ҳақда батальон командири В. И. Сентюринга хабар қилинди.

Орадан бир неча минут ўтганидан кейин жанг плани тузиб чиқилди. Душманга ҳеч қандай қаршиликсиз биз томондаги соҳилга ўтиш имкониятини бериш, кейин орқа томондан унинг йўлини кесиб қўйиш, қуршаб олиш ва йўқ қилиш режалаштирилди. Душман эгаллаб турган соҳилни кузатиш кучайтирилди.

Дарёдан биринчи бўлиб бир группа разведкачилар қайиқда ўтишди. Улар сокинликдан фойдаланиб, ўрмоннинг ўртасига киришди. Бу ерда ҳам тинчлик бўлганлигини кўриб ва ҳеч қандай хавф сезмагавларидан кейин осмонга ракета отиб йўл очиқ деган белгини беришди. Орадан кўп ўтмай яна етти қайиқ биз томондаги соҳилга етиб келди. Солдатлар дарҳол қайиқлардан тушиб ўрмон томонга чопишди. Бир неча киши эса соҳил бўлиб қолди. Ваҳоланки, ўрмонни жуда «тинч» деб бўлмасди. Ротамиз жангга тайёрланарди. Бир взвод орқа томондаги душман ҳаракат қилиши мумкин бўлган маррани тўсди. Пулеметлар билан қуроллангган икки взвод орқа томондан дарёга чиқди. Улар душманнинг йўлини кесиб қўйишлари лозим эди.

Сержант Юсуповнинг бўлинмасига кечувни қўлга киритиш вазифаси қўйилди. Жангчилар бу топшириқни ҳаҳрамонона бажаришди. Тез ва кутилмаганда ҳужум қилиб улар душманнинг соҳилларини йўқ қилдилар ва уларнинг қайиқларини қўлга киритишди. Бу билан улар душманни орқага қайтиш учун энг зарур бўлган воситасидан маҳрум қилдилар ва соҳилда мустаҳкамланиб олишди.

Қисқа муддатли жангда душманнинг десанти — ўқчи ротаси бутунлай вайрон қилинди. Рота командири ва унинг 12 жангчи асирга олинди.

Бу жанг бизнинг айрим солдатларимиз ва командирларимиз учун ҳам сўнгги жанг бўлди. Т. Арнаисов, М. Боббоев, В. Васильев, М. Сафаров, А. Юсупов ва бошқалар қаҳрамонларча ҳалок бўлишди. Улар Дондаги Александровка қишлоғидаги биродарлик қабристонига қўйилдилар.

Бу воқеага жуда кўп йиллар бўлди. Лекин бу жасур кишилар, Ватаннинг содиқ фарзандлари ҳақидаги хотира уларнинг полкдошлари ва Александровка қишлоғининг аҳолиси қалбида ҳамон яшаб келмоқда.

1975 йилнинг баҳорида, Совет халқи ва унинг Куролли Кучлари фашистлар Германияси устидан қозонган Буюк Ғалабасининг 30 йиллиги арафасида менга дивизиямиз 1942 — 1944 йилларда немис-фашист босқинчилари билан жанг олиб борган жойларни кўришга тўғри келди. Мен ўшанда жанговар дўстларимнинг қабрига бориб бош эгдим. Уларни кўз ёш тўкиб эсга олдим, қабрларига гулчамбарлар қўйдим...

Донда ҳам бўлдим. Александровка қишлоғида. Бу ерда Совет жангчиларининг жасоратига ҳурмат маносида хотира ёдгорлиги ўрнатилган. Унга Ватан озодлиги учун қурбон бўлган полкдошларимнинг исм ва фамилиялари зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Мана улар: Арнаисов Курган, Биканов Семен Сидорович, Васильев Виктор Николаевич, Гушчин Виктор Иванович, Павлов Александр Николаевич, Сафаров Мирза, Юсупов Аҳмаджон ва бошқалар.

Одамлар ёш авлод, совет кишиларининг бахт-саодати учун қурбон бўлган ўз қаҳрамонларини ҳеч қачон унутмайди!

Қ. ОШАМБОЕВ,
полковник,
Улуғ Ватан урушининг ветерани.

СУРАТДА: ўнг томонда турган тошкентлик жангчи Аҳмаджон Юсупов.

Маданият хроникаси

САМОЛЁТСОЗЛАР—ПАХТАКОРЛАРГА

Ўзбекистон пойтахтининг самолётсозлар маданият саройи ҳаваскор артистлари Тошкент областидаги «Пскент-2» совхозида Биринчи Майга бағишланган концерт программасини кўрсатдилар. Иккита пахтачилик бригадасининг дала шийпонларида, кечқурун эса хўжаликлар клубида деҳқонлар меҳнатини шарафловчи, ўн биринчи беш йилликда уларни янги меҳнат зафарларига чорловчи шеър ва қўшиқлар янгради.

Тошкент самолётсозлари билан совхоз меҳнаткашлари кўпдан буён дўстона алоқа боғлаб келишмоқда. Қишлоқда маданий оталиқ иши махсус ишлаб чиқилган план асосида олиб борилмоқда. Планда ҳаваскор артистларнинг концертларигина эмас, шу билан бирга кутубхона ишида, дала шийпонларини безатишда, қишлоқдаги бадиий ҳаваскорлик коллективларига янги программалар тайёрлашда ёрдам бериш ҳам кўзда тутилган.

КУТУБХОНА ХОДИМЛАРИ КОНКУРСИ

Қўрғонтепа район марказлашган кутубхонасининг ходимаси Лобархон Мамажонова Андижон областида кутубхона ходимлари ўртасида ўтказилган профессионал маҳорат конкурсининг ғолиби бўлди. Тошкент маданий-маърифий техникумини яқинда битирган Лобархон жюрининг ҳамма талабларини ҳаммадан яхшироқ бажо келтирди. Жюри ҳам назарий саволлар, ҳам амалий топшириқлар берган эди. Бу конкурс дала шийпонлари, яйловлардаги қишлоқ китобхоналарининг иш жойлари бўйлаб кутубхоначилар фаолиятини текширишдан ҳам иборат бўлди.

ОБЛАСТЬ БЎЙЛАБ САФАРГА

Ўзбек фольклори қаҳрамони — Зийрак ва Тоҳир Насриддин Андижон области мактаблари бўйлаб сафарга жўнаб кетди. 32-мактабнинг тарих ўқитувчиси Н. Умаров «Насриддиннинг ёшлиги» пьесасини ёзди, спектаклни эса унинг ҳамкасблари — педагоглар саҳналаштиришдилар. Улар ўқувчилар билан бирга асосий ролларни ижро этдилар, декорация яратдилар. Ҳозир Андижон областининг мактаб ўқувчилари мактаб режиссёрлари ва артистлари саҳналаштирган асарни томоша қилмоқдалар.

(ЎзТАГ).

Иван СТАДНЮК.

АРАФА

— Ойим қалайлар? Кўринмаяптиларми? Нега ойим тилла қизларини кутиб олмадилар?— савол устига савол ёғдириб ташлаган Ирина жавоб кутиб ўтирмаёқ кўзгу қаршисида типирчилаганча беретини ечди-да, қисқартирилган сочига оро бера бошлади.

— Кўзлари ҳар маҳалгидай йўлингда, қизалоғим, — Ольга Васильевнанинг осойишта ва ҳатто шодон овози эшитилди.

Ҳанг-манг Фёдор Ксенофонтович хотини емакхонага чашкаларда чой олиб кираётганини кўрди. Чеҳрасидан йиғлагани ҳам, асабийлашгани ҳам сезилмасди Ольганинг. Фёдор Ксенофонтович хотининнинг бу қадар ўзини қўлга ола билиши қаршисида лол қолди.

Ольга Васильевна столга чашкаларни тераркан, эрига бошданоёқ синовчан тикилди. Кейин кўзларини иффатли олиб қочиб енгил тортгандай кўрингач, қирра бурнининг юпқа катаклари кенгайган кўйи Иринага даданг билан гаплашаётгандик, деган маънода ишора қилиб қўйди-да, сўзини давом эттирди:

— Бу ёғини эшит энди, — аёл эрига огоҳлантирувчи нигоҳ ташлади. — Бугун Невский кўчасида кетаётсам, кимдир чақириб қолди. Керасам, ўша! Сергей!.. Қани кўзларимга ишонсам?

— Кимни айтяпсан? — Фёдор Ксенофонтович гарчи гап ким ҳақида кетаётганини зумда пайқаган бўлса ҳам талмовсиради.

Ольганинг сузук кўзларида истеҳзо жилваланди.

— Ўша содиқ йигитимни-да! — маъюс кулди аёл. — Сочи сеникидан ҳам баттар оқариб кетибди... Фан доктори, инженер экан! Ёнида хотини... Бечора Серёжка! Қаердан топганийкин унақа қанқайган аёлни?

Фёдор Ксенофонтович аъзойи бадани бўшашгандай секингина стол ёнига чўкди.

— Шундай қилиб, Федя, якшанба куни тушда меҳмон кутавер.

— Якшанба куни балиқ овига бормоқчийдим! — деди ёрингган оҳангда Фёдор Ксенофонтович.

— Балиқ овингни кўя турасан энди, Федик... — Ольга эрига илтижоли бақди. — Уларни чақириб қўйдим. Танишиб ҳам оласизлар...

Поезд кўприкдан ўтиб борар, вагон деразасидан темир панжаралар лип-лип кўринарди. Фёдор Ксенофонтович эндигина Ленинград орқада, рангпар оқ тунлар бағрида қолиб кетганини сезди.

У балиқ овига ҳам боролмади, тасодифий меҳмонларни кутиб ҳам ололмади. Якшанбагача ҳали икки кун бор, аммо у мана, ошиқиш чақирув билан йўлда кетяпти.

«Албатта телефон қил, кутаман, Феденька, — поезд ёқалаб юлшоқ вагон томон бораётганларида хотини айтган шу сўзларни эслади Чумаков. — Эртага кечқурун Москвадан, кейин Минскдан телефон қоқ... Якшанба куни қаерда бўлсанг ҳам албатта қўнғироқ қил! Эшитяпсанми?».

Хотинининг ана шу «эшитяпсанми?» деган сўзи қандайдир огоҳлантиришдай юрагини зирқиратарди. Шунда у Ольга меҳмонларни кутиб олаётган пайтда эри қўнғироқ қилишини истаётганини тушунди.

Олдинда Ирина сумкачасини ўйнагаганича юқчи билан ёнма-ён борар, икки кўзи теварак-атрофда эди. Бу ҳам Фёдор Ксенофонтовича оғир ботди. Онасининг «Ҳусни жамолимни кўряпсизларми?» — дегандай одамларга чиройини кўз-кўз қиладиган одати қизига ҳам ўтганди.

Кимдир купе эшигини такиллатганди Фёдор Ксенофонтовичнинг хаёли тарқаб кетди. Эшик ғижирлаганча ёнга сурилиб, проводник аёл мўралади:

— Чой ичмайсизми?

— Ташаккур, кеч бўлиб қолди, — жавоб қилди Фёдор Ксенофонтович.

Эшик қайта ёпилганидан кейин Чумаков хизмати, азбаройи шошилганидан одатдагидай ҳайрлашув зиёфати ҳам қилолмагани, бу ишни оиласини олиб кетгани келганида ўтказиш ҳақида хаёл сура бошлади. Ҳозир гўё вақтинчалик командировкага кетаётгандай эди.

Ҳамма нарса кутилмаганда рўй берди. Бугун эрталаб генерал-майор Чумаков қўмондон бўлмасидаги кенгашда қатнашди: улар яқиндагина киришилган округ қўшинларидаги командирлар звеносини мустаҳкамлашни қай тарзда давом эттириш хусусида анча бош қотиришди.

Вагон тебраниши, ғилдиракларнинг бир меъёрдаги «тақ-тўқ»и ва ташқаридаги зим-зиё ўрмонда жадал дарё шовуллаши бир-бирига қўшилиб, хотиржам ва узуқ-юлуқ фикр сурдирарди... Қўмондоннинг ҳайрлашаётиб, жилмайиб қўйгани ҳам бир қур лип этиб ўтди. Кейин қойишлар бўлмасмикин иш қилиб? Ишни ҳам шошилинчда нариндан-бери топшириди, актларни имзолади. Иккита дивизия командирига тавсиянома тайёрлаб, уларни қўмондонга беришга улгуролмади. Тавсияномалар халқ комиссарлигига топширилиши керак эди. Буни ўринбосаридан илтимос қилди... Очиғини айтганда, ёш полк командирларидан Афанасьев билан Вихрёв гарчи уддабурон бўлсалар-да, дивизияга қўмондонлик қила олишларига Чумаковнинг кўзи етмасди.

Генерал Чумаковнинг ўзи-чи? Механизациялаштирилган корпусни эплай олармикан? Ҳар қалай янги иш. Айтмоқчи, унча янги ҳам эмас: Қизил Армияда бунака қўшилмалар ўттиз иккинчи йилдаёқ тузилганди. Бироқ ўттиз тўққизинчи йилда Испаниядаги урушнинг ўзига хослиги ва қийинчиликларига унчалар эътибор беришмадими, ё яна қандайдир сабаблар бўлдими, ҳайтовур, жангда анча майдароқ зирҳли қисмлар маневр қилиши қулайроқ, деган фикрга келинди... Ҳаёт бешафқат, энг яхши мактаб бўлгани учун тезда сергак тортишга мажбур этди. Фёдор Ксенофонтовичнинг ўзи чет эл ва ўзимиздаги материалларни ўрганиб, ғарбий ва Жанубий-Шарқий Европадаги герман танк группаларининг ҳаракатлари тажрибасини умумлаштирарди. Шундан кейин журналда мақоласи чиқди. Назарга ҳам тушди... Бундан бир ҳафта бурун Москвадан маршал Шапошников кўнгироқ қилди. Шапошников эндиликда ғарбий чегараларимиздаги мудофаа иншоотлари ва мустаҳкамланган районлар қурилишига бошчилик киларди. Ўшанда Борис Михайлович мақолани мақтаб, герман қўшинларининг ҳужум операцияларида маневрли ҳаракатлари, мудофаадаги томоннинг қарши ҳаракатлари принципларини қоғозда баён қилишни сўраганди. Булар мустаҳкамланган районлар қурилишида кўзда тутилиши керак эди. Бу топшириқдан Фёдор Ксенофонтович жуда яйраб кетди. У бир неча кеча ёзув столидан қимирламай встойдил ишлаганидан ҳозирда маршалга топшириқ ўнчун янгироқ рисола олиб боратганди...

Ҳа, генерал Чумаковнинг ҳозирги замон оператив санъатига илғор қарашлари назарга тушди шекилли, раҳбарлар, йирик механизациялаштирилган қўшилмаларнинг зўр тарафдори эканси, булардан биттасини ўзингиз тузиб, қўмондонлик қилаверинг, деган гап қилишганди.

Бироқ нега бунчалар шошилишмаса? Фёдор Ксенофонтович бугун эрталаб кабинетига қайтиб келганида, тўғри ўзингагина уланган телефон жиринглаб қолди. Трубкани олганида Қизил Армия кадрлар бошқармаси ходими подполковник Рукатовнинг овозини эшитди.

«Янги лавозимга тайинланганингиз билан табриклайман, Фёдор Ксенофонтович! — Рукатовнинг трубкаден чучмал овози эшитилди.— Халқ комиссарининг шифрли буйруғини олдингизми?»

«Йўқ, олмадим. Қандай лавозим экан?»

«Телеграмма юборилган. Эртага эрталаб Москвада бўлишингиз керак, Фёдор Ксенофонтович, механизациялаштирилган корпус командири қилиб тайинлангансиз, шунинг учун табриклайман!»

Нега тўсатдан бўлди бу иш? Нега бунчалар шошилинч?.. Фёдор Ксенофонтович фикрларини бир ерга ҳеч тўплаёлмасди. Тўғри, бундан олдинроқ халқ комиссарлигида сизга ғарбий Белоруссия ёки Украинадаги корпусни таклиф этсак нима дейсиз, деб сўрашганди. Бироқ аниқ гап айтишмаганди.

«Бу ердаги ишларни топширишим учун фурсат керак», — деди Фёдор Ксенофонтович ўзини қўлга олиб, телефон трубкасига.

Улгурмасангиз бўлмайди, ўртоқ генерал, Буйруқ! — подполковник Рукатов гўё ўша буйруқни ўзи чиқаргандай гапирарди. Бироқ шу закотининг ўзида кулимсираб деди: — Бизнинг ишимиз — етказиш, биз бу ерда, Москвада кичкина одамлармиз, яъни ижрочилармиз!»

Фёдор Ксенофонтовичнинг таъби хира бўлди. Буйруқни келиб-келиб Рукатов етказгани ёқмаётганини тушуниб турарди.

Алексей Рукатов... 1925 йил... Олисдаги Запольва шаҳарчаси, игна баргли дарахтлар дарё бўйига сиқиб келган баракли қазармалар, офтоб роса қиздираётган қумли майдон... Запольвага ўқчи полки тузиб, бошчилик қилгани юборилган Фёдор Ксенофонтович Рукатов билан илк марта ўша ерда учрашганди.

Фёдор Ксенофонтович Рукатовнинг ротасига келганида ҳамма нарса батартиб эди. Фақат қазармадагилар чеҳралари очилмай юришгандай кўринди. Фёдор Ксенофонтович аввалига бунга эътибор бермади, тўсатдан келиб, жангчиларни ҳужолат қилган бўлсам керак, деб ўйлади. Шундан кейин взвод командирларидан Рукатов ротасидан бошқа бўлинмаларга ўтказиш сўралган рапортлар ёғила бошлади. Чумаков шундан кейин рота командирини ҳузурига чақиртирди.

Рукатовнинг ифодасиз ва қимир этмайдиган кўзлари Фёдор Ксенофонтовичнинг ҳозир ҳам эсида эди. «Нега взвод командирлари билан муросангиз яхши эмас?» — «Улар контрлар, ўртоқ полк командири!» — «Далилларингиз борми?» — «Топишга ҳаракат қиламан, ўртоқ полк командири!» — «Нимага рота жанговар тайёргарликда орқада қолаяпти?» — «Ҳаммалари муғомбир, ўртоқ полк командири».

Фёдор Ксенофонтович рота командирининг бунақа жавоблари саволларим бир ҳилдалигидан бўлса керак, деган ҳаёлга бориб, ҳижолат ҳам бўлди. Шундан кейин Рукатов билан шунчаки, табиатлари, ақлий қобилиятлари ва маълумотлари турлича бўлган одамларга бошлиқ бўлиш ҳақида сухбатлашмоқчи бўлди. Бироқ гап қовушмади. Рукатовнинг ҳудди инидан мўралаётгандай қимир этмовчи кўзлари ҳадиклн боқар, гоҳида ҳаёлига нимадир келганида кўз қорачиқлари чеккаярди-да, лаблари ҳаракатланарди. Шунда гўё дилида бориши тўкиб солидигандай туюлар, бироқ... кўзларидаги ифода зумда сўнар, хўрсиниб қўярган: «Туғатилади, ўртоқ полк командири!» — деган қисқа ваъда билан қутиларди.

Чумаков Рукатовни барибир тузата олмади.

Тактикадан намунали машғулотлар пайтида батальон командири Рукатовга жуда ҳам оддий вазифа — батальон йўлга чиққанда олдиндаги сафар застаВасига командирлик қилишни топширди. Чумаков шунда Рукатов энг оддий масалларда ҳам мутлақо бир қарорга келолмаслигига яна бир марта амин бўлди. У кўкрагини кериб, кўзларини ола-кула қилди-да, кўркаётгандай: «Менинг кетимдан, олга!» деб бўкирарди. «Менинг кетимдан» қаёққа, қанақа жанговар тартибда, қайси марраге, қанақа вазифа — буларни ваҳима босган Рукатов ҳаёлига ҳам келтирмасди.

Фёдор Ксенофонтович дивизия штабидагиларга, ноқобил рота командирини бошқасига алмаштириб беринглар, деб ялиниб-ёлворди, у ердагилар эса ранжиган оҳангда: «Қобилиятлилар тайёр ҳолда тутилмайди, шуни унутманг», деб насиҳат қилган бўлишди.

Бир куни ниҳоят полкка учта яхши рота командирини қайта тайёрловга юбориш ҳусусида буйруқ келди. Фёдор Ксенофонтович иккиланаётган бўлса ҳам виждонига хилоф иш қилди: майли, зора Рукатов жиддийроқ малака ошириб келса, деган ҳаёлга борди. Кўзини чирт юмиб, Рукатов ҳақидаги анча чалиғаш, аммо умуман ижобий характеристикага имзо чекди.

Орадан ярим йил ўтганидан кейин батальон командири вазифасига тайинланган Рукатов поликка тантанавор кириб келди. Фёдор Ксенофонтович Рукатов шу вазифага тайинланганлиги ҳақидаги буйруқдан кўчирмани ўқиркан эси огиб қолаёзди. Назаридa биров унга қалтис ҳазил қилгандай тутоқиб, дивизия штабига қўнғироқ қилганди, у ердан: «Уни энг яхши командир сифатида ўқишга ўзингиз тавсия қилгандингизку» деган маънодаги эътирозга ўрин қолдирмайдиган жавоб олди.

Чумаков буни ўшанда принципсизлиги учун берилган жазо сифатида қабул қилди. Рукатов батальон командири сифатида ҳизмат қила бошлади.

Фёдор Ксенофонтович ҳозир Рукатов батальон командири бўлган ўша пайтларни эслади. Кўз ўнгида полк ҳаёти манзаралари гавдаланаркан ҳарбий шаҳарчани қалин девордай қуршаб олган қарағайзор ўрмоннинг қовжироқ иси кўпени тўлдиргандай бўлди. Офтоб қиздирган қумли майдондан батальон командири Рукатовнинг овози эшитилгандай ҳам туюлди. Маршабаси, ўзи хон-ўзи беклиги, мавқеидан маҳрум Рукатов қўли остидагилар қаршисида ўзини ҳаддан ташқари билагон қўсатарди. Унинг йўл-йўриқ ва кўрсатмалари нодонларча бўлиб, нуқул мансирар, буни эшитган Фёдор Ксенофонтовичнинг ҳуноби ошарди. Ваҳоланки, одатда халқнинг энг илғор вакилларигина командирлик қилишлари керак эди. Бу одам бўлса...

Ўз имкониятига ортиқ баҳо берган Рукатов қаттиқ ҳижолат қилар, шошилинч чора кўрмаса бўлмасди. Рота командирлари арзимаган бир ҳафта ичида янги бошлиқ билан «мулоқат»да оғизлари куйди.

Рукатовни полкдан силжитиш осон бўлмади. Чумаков ҳайрлаша туриб, унинг имкониятлари, характери тўғрисида гапириб, ҳеч қачон бошлиқ лавозимида ишламасликни маслаҳат берди. Аммо Рукатов қандай бўлса ўшандайлигича қолаверди. Тағин аллақандай курслар, қайсидир ёрда хизмат, кейин Фёдор Ксенофонтовича таниш полк командирининг хунук, қари қизига уйланиш... Чамаси яна бир эмас, бир неча бошлиқ Рукатовдан уни дам ўқишга, дам бошқа нарсага «кўтариб» қутилган бўлса керак. Йўқса, сиқраям академияга кетиб қолмаган бўлар эди...

1937 йили Рукатов ўша пайтларда Чумаков Испанияда эканлигини хаёлига ҳам келтирмай ундан ўч қайтиб келганидан кейин бир чекист таниши билан учрашиб қолганида у Чумаков устидан юмалоқ хат тушганини гапириб берди. Ўша юмалоқ хатда Запольедаги полкнинг собиқ командири, кейинчалик ҳарбий академиянинг тингловчиси Чумаковга мудҳиш айблар тўнкалганди. Фёдор Ксенофонтович ўзига тақалган бемазни айбларни тингларкан, кўз олдида Рукатовнинг таниш ва мудхиш башараси келди. У ўз гумонини айтганди чекист ҳайрон бўлиб, полк командири Чумаковнинг «контрреволюцион фаолиятия ҳақидаги бази чақувлардаги гувоҳлар орасида бу фамилия ҳам тилга олинганлигини тасдиклади.

(Давоми бор).

ТО Справкалар бюроси

ҲАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

М. СОНПОВА: Касаба союз аъзолиги билетимни йўқотиб қўйдим. Айтингчи, йўқолган билетлар ўрнига янгисини бериладими? Бу масалани ким ҳал этиши керак?

Жавоб: Касаба союз аъзоларининг эскириб кетган билетлари, шунингдек йўқолган билетлар ўрнига фабрика, завод маҳаллий комитети қарорига биноан янги касаба союз билетлари берилади. Бунда янги касаба союз аъзолиги билетига фабрика, завод маҳаллий комитети аъзолик взносларининг тўлаш карточкасидаги маълумотлар асосида касаба союз аъзолик взносларини тўлаган охирги ой тўғрисида белги қўяди, унга имзо чекилиб, фабрика касаба союз маҳаллий комитетининг муҳри босилади.

Касаба союзининг янги аъзоларига касаба союз билетлари текинга берилади. Билетнинг қиймати фабрика, завод маҳаллий комитети ҳаражатлари ҳисобига ўтказилиб, ҳисобдан чиқариб юборилади ва уни алмаштириш вақтида билетнинг қиймати касаба союз аъзосидан ундириб олинади.

* * *

Ф. ОВИДОВ: Менга бир масалада маълумот берсангиз: квартира олиш учун навбатда турган ишчи ёки хизматчи инвалидлик пенсиясига чиққан ҳолларда уларни уй-жой билан таъминлаш масаласи қандай ҳал этилиши лозим?

Жавоб: Ўзбекистон ССР Давлат уй-жой фондидан турар жойларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 17-бандига мувофиқ квартира олиш учун навбатда турган ишчи ёки хизматчи қариялиги туфайли ёки инвалидлиги сабабли пенсияга чиқса, уларнинг уй-жой олиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

* * *

Н. МУСТАФОЕВ: Кексайиб қолган отам янги паспорт олмоқчи эдилар. Лекин улар фотоательеге бориб суратга туша олмайдилар. Эшитишимча, аҳоли буюртмасига кўра уйга бориб сурат олиш йўлга қўйилган экан. Шу тўғрими?

Жавоб: Шаҳримиздаги «Фотореклама» комбинатида хизматнинг Сиз ўз хатингизда сўраган тури йўлга қўйилган. У ердан бизга хабар қилишларича, инвалидлар кексайиб қолган кишилар суратга тушмоқчи бўлсалар, уйга буюртма беришлари мумкин. Буюртмалар 33-50-85, 33-38-30 рақамли телефон орқали қабул қилинади. Буюртмани олган фотограф кўрсатилган адресга бориб мижознинг ҳожатини чиқаради.

* * *

Б. НУРМАТОВ: Завод касаба союз комитетида ишлайман. Айтингчи, ўзим ишлаётган корхона халқ контроли комитети касаба союз комитетининг ишини текшириши мумкинми?

Жавоб: СССР халқ контроли тўғрисида қабул этилган Қонунда касаба союзлари, комсомол ва бошқа жамоатчилик ташкилотларининг халқ контроли органлари фаолиятида актив иштирок этиши кўзда тутилган. Лекин шу билан бирга халқ контроли комитетлари ва группалари касаба союз органлари фаолиятини текширишга зарурият йўқлиги нўсатилган. Чунки касаба союзлари меҳнаткашларининг оммавий жамоат ташкилотларидан бири сифатида ўз уставлари асосида иш кўради ва улар сайланган контроль органларга — ревизия комиссияларига эгадирлар.

* * *

Ш. ҚОДИРОВА: Менга кўн-галантерея буюмларини ремонтдан чиқариб берадиган устахоналар адресларини беринг.

Жавоб: Бундай устахоналар Пушкин кўчасида, Нафанов кўчасидаги 109-уйда, «Чилонзор» савдо марказида, Сергелидаги маиший хизмат уйида, Бешёғоч бозори территориясида жойлашган.

«Бўлқизик» БОРСАКЕЛМАСНИНГ СИРИ

Усть-Юртда ўтказилган разведка Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиалининг археологлари минг йилларча ўтмишга назар ташлашларига ёрдам берди. Олимлар Борсакелмас шўр ботқоқлигининг жанубидан, кейинчалик эса шимолидан қадимги иш қуроли — икки томонлама ишлов берилган искана топдилар.

Одам ундан тўрт юз минг йиллан аввалроқ фойдаланган. Бундан илгари одамлар бу ерда янги эрадан олтмиш минг йил аввал яшаган, деб ҳисоблаганди.

Тарих фанлари кандидати В. Н. Ягодин топилдиқни шарҳлаб, ҳозиргача Ўзбекистондан Бифасал анъанаси деб аталмиш иш қуролини топиб бўлмаганди, деди. Бундай иш қуроллари дунёнинг бошқа районларида ҳам ғоят кам учрайди. Топган бу нарсамиз Ўрта осиё территориясида қадимги одам тарқалиш манзарасини кўрсатувчи яна бир белгидир, деди олим.

(ЎзТАГ).



ҚАЧОН ИШОНЧ ОҚЛАНАДИ?

«Пахтакор»—«Зенит»—0:1

Эҳтимол бу савол баъзилар учун анча орта берилгандек туюлади. Дарҳақиқат, мамлакат биринчилигининг биринчи давра учрашувларининг якўйланишига ҳали анча муддат бор. Одатда ана шу вақтда шундай савол берилади. Шунга қарамасдан, Ленинграднинг «Зенит» командаси билан бўлган учрашувда тошкентликларда яна маҳорат етишмади.

Энди ўйин ҳақида тўхталайлик. «Пахтакор» учрашувларни доимо ҳужум билан бошлайди. Бу сафар ҳам у ўзининг ана шу анъанасига амал қилди. Дарҳақиқат, ленинградлик футболчилар ҳам қаршдор бўлиб қолишмади. Улар кутилмаганда тезкорлик билан икки марта ҳужум уюштиришди. Агар тошкентликларнинг дарвозабони Александр Яновский чаққонлик ва маҳорат кўрсатмаганида, комбинациялар ниҳоясига етказилиши мумкин эди. Шунга қарамасдан, биринчи бўлимда майдон эгаларининг устунлиги кўзга яққол ташланиб турди. «Зенит» эса асосан қарши ҳужум уюштириш усулига амал қилди. Бу ҳужумлар ниҳоятда хавфли бўлди. Ҳал қилувчи дақиқаларда ҳимоячилар кўпол хатоларга йўл қўйишиб, дарвозабоннинг ишини мушкуллаштиришди. Ҳужумчиларимиз рақиб командасининг жарима майдонига тез-тез кирган бўлишларига қарамасдан қулай вазиятлардан фойдалана олмадилар.

Биринчи бўлимда ленинградликлар сўръатни оширишга шошилишмади. Чунки об—ҳавонинг иссиқлиги бунга имкон бермади. Шунга қарамасдан, учрашув дуранг натижа билан тугаши ҳали гумон эди. Ҳар икки команда мамлакат биринчилигида яхши натижа олмаяпти. Улар турнирдаги мавқеларини яхшилаб олишга ҳаракат қилишяпти. Ўтган йилги мамлакат биринчилигининг бронза совриндори «Зенит» аҳволни яхшилашга жиддий аҳд қилган эди. Шу ўринда бу икки команда ўртасида бўлган учрашувларга назар ташлаш диққатга молликдир. Ўн тўрт учрашувда тошкентликлар, ўн беш учрашувда ленинградликлар ғолиб чиқишган. Етти учрашувда дуранг натижа қайд этилган. Ҳар икки дарвозага 53 мартадан тўп киритилган.

Биринчи бўлимнинг сўнгги минутларида меҳмонлар активликни оширишди. Айниқса, ёш ҳужумчи Валерий Брошин чаққон ҳаракатлари билан тошкентликларни анча таҳликага солиб қўйди. Бу ўйинчи Тошкентда бўлган халқаро ўсмирлар турнирида СССРнинг биринчи терма командаси составида қатнашган эди. Шу боисдан ҳам республикамиздаги футбол мухлислари уни яхши билишарди.

Иккинчи бўлим ленинградликларнинг шиддатли ҳужуми билан бошланди. Брошин кучли зарб билан тепган тўпни Яновский катта қийинчилик билан дарвоза тўсини устидан ўтказиб юборди. Яна меҳмонлар ҳимоячиларимизнинг хатоларидан фойдаланиб, шиддатли ҳужум уюштиришди. Яновский катта қийинчилик билан тўпни бу сафар ҳам тўхтатиб қолди. Лекин тўп учун бўлган олишув пайтида жароҳатланди. Врачлар унга ёрдам кўрсатишди. Лекин орадан кўп ўтмасдан у майдондан чиқиб кетишга мажбур бўлди.

«Пахтакор»нинг дарвозасини ёш ўйинчи Александр Афанасьев қўриқлай бошлади. У Термизнинг «Автомобилист» командасидан клубга қабул қилинган эди. Ёш ўйинчининг майдонга тушиши ҳимоячиларни ҳушёрликни янада оширишга чорлаши лозим эди. Лекин бундай бўлмади. Ленинградликлар яна ҳужум уюштиришди. Ўнг қанот бўйлаб Николай Ларионов жарима майдонига кириб борди. У ҳимоячини ва дарвозабонни алдаб тўпни дарвозага йўллади. Шундай қилиб, «Зенит» ҳисобда олдинга чиқиб олди — 0:1.

Бундай вазиятда тажрибали дарвозабон бошқача ҳаракат қилган бўларди. Шуни ҳам айтиш керакки, тўп ўтказиб юборилишига меҳмонларнинг ярим ҳимоячилари ва ҳимоячилари ҳам шароит яратиб беришди. Улар тўп учун қатъий курашмадилар.

Шундан кейин майдон эгалари ҳисобни ўзгартириш учун жуда кўп ҳаракат қилишди. Жумладан, команда составида ўзгаришлар бўлди. Игорь Семенюнинг ўрнига Зураб Церетели майдонга тушди. Ҳужум анча кучайди. Якубик кучли зарб билан тепган тўпни «Зенит»нинг дарвозабони Игорь Николаев қийинчилик билан қайтариб қолди.

Энди тажриба ҳақида тўхталайлик. Тошкентликлар ҳисобни ўзгартириш учун бор имкониларини ишга солишди. Техник ва тактик хатоларни ўйинчиларнинг ёшлиги туфайли ҳисобга олмаслик мумкин. Аммо командада ҳамон жанговар руҳ, ғоятда ёшлик етишмаяпти. Айниқса, бу нарса учрашувнинг иккинчи бўлимида яққол кўзга ташланиб қоляпти. Қисқаси, «Пахтакор» ўз мухлисларини ҳушнуд қилиш учун ҳали кўп тадбирларни амалга ошириши, маҳоратини чарҳлаши лозим.

Мамлакат биринчилигининг еттинчи тур учрашувларида қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Динамо» (Киев) — «Торпедо» (Москва) — 1:0, «Динамо» (Москва)— «Спартак» —2:1, «Шахтёр»— «Таврия» —3:0, «Черноморец» —МАСК —2:3, «Нефтчи» — «Динамо» (Тбилиси) — 1:0, «Днепр» — «Кубань»—0:1, «Қайрат» — «Динамо» (Минск) — 1:0, АСК — «Арарат»—0:0.

Суратларда: «Пахтакор» —«Зенит» учрашувидан лавҳалар.

ПАХТАКОР ҲАҚИДА 17 ФИКР

В. АКИМОВ,
Ленинград радиоси спорт редакциясининг мудири.

— Биз Тошкентда ўзимизга нотаниш бўлган шароитга дуч келдик. Ҳаво ниҳоятда иссиқ эди. Бу футболчиларимизнинг майдонда яхши ўйин кўрсатишларига имкон бермайди, деб анча афсусланган эдик. Шу боисдан ҳам ленинградликлар биринчи бўлимда тезликни оширишга уринишмади. Улар куч ва имкониятларини тежашди.

«Пахтакор»нинг составида бир неча ёш ўйинчилар борлигини биларди. Мақсадимиз ғалабани қўлга киритиш эди. Шунга қарамасдан биринчи бўлимда тошкентликлар жуда кўп ҳужум уюштиришди. Тўғрисини айтганда, командада техник маҳорат етишмаяпти. Буни вақтинчалик деб қараш мумкин. Ҳозир командани асосан республикада тарбияланган футболчилар билан тўлдиришга амал қилиб, жуда тўғри иш тутяпти. Мен «Пахтакор»нинг келажакда яхши ўйин кўрсатиб, олий лигада ўрнашиб қолишини истайман.

• «Пахтакор»нинг рақиблари

«ДИНАМО» (Минск)

Бугун «Пахтакор» Минскнинг «Динамо» командаси билан беллашади.

Белоруссиянинг етакчи футбол командаси 1937 йилда ташкил қилинган бўлиб кўп йиллар давомида «Динамо», «Спартак», «Белорусь» номлари билан юритиб келинган. 1963 йилдан бошлаб бу команда «Динамо» номи билан аталмоқда. Белоруссиялик футболчилар таниффуслар билан 1945 йилдан буён олий лига баҳсларида қатнашадилар. Команда 1954, 1963 йилларда мамлакат биринчилигининг бронза совриндори бўлган. 1965 йилда эса СССР Кубогининг финал учрашувида қатнашган. Бу учрашув ниҳоятда қизиқарли бўлган. «Спартак» командаси билан орани очиқ қилиш учун 270 минут вақт сарфлашга тўғри келган. Қўшимча вақтда москваликлар учрашувни 2:1 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал қилишган.

Команда ёркин ғалабаларни қўлга киритган вақтлар ҳам бўлган. 1946 ва 1970 йилларда «Зенит» командасини 5:0 ва 5:1 ҳисобида мағлубиятга учратган. 1944 йилда Донецк шаҳрининг «Шахтёр» командаси билан мамлакат Кубоги учун ўтказилган учрашувда 5:1 ҳисобида ғалабага эришган. Команда йирик ҳисобда мағлубиятга учраган пайтлар ҳам бўлган. Жумладан, 1944 йилда у Москванинг «Спартак» командасидан 1:8 ҳисобида енгилган.

Команда ва унинг ўйинчилари бир неча марта «Труд» газетаси ва бошқа махсус совринларни қўлга киритишган. Э. Зарембо команданинг энг таниқли футболчиси ҳисобланади. У 265 марта «Динамо» кийимида майдонга тушган. Команданинг ҳозирги тренери Э. Малофеев 1963 йилги мавсумда рақиблар дарвозасига 21 тўп киритиб, ўзига хос рекорд ўрнатган.

Белоруссиялик футболчилар бу йилги мавсумни анча яхши бошлашди. Улар дастлабки икки учрашувни сафарда ўтказиб, ҳар иккаласида ҳам ўз активларига иккитадан очко ёзишга муваффақ бўлишди. Ҳозир динамочилар олтин очко билан турнир жадвалининг еттинчи поғонасидан жой олиб туришибди.

ОЛИС ДУНЁЛАРНИНГ ВУЛКАНЛАРИ

Космоснан келувчи метеорлар Харьков радиоэлектроника институти олимларининг галактикамизда вулкан фаолияти тўхтамаган планета системалари борлиги тўғрисидаги тахминини тасдиқлашга ёрдам берди.

Олий ўқув юртида яратилган автомат радиолокация системаси ёрдами билан шу нарса исбот қилинди. Бу аппарат ер атмосферасига ғоят катта тезлик билан учиб кирувчи қаттиқ зарраларни ҳар секундда «кўриб тура олади». Бу зарралар ёнаётиб, кўпкилометрли ионлашган из қолдиради ва шу из локатор нурининг қараш майдонига тушади. Шундай излардан акс этган радио тўлқинларни аппаратнинг қабул қилувчи қурилмаси қайд этади. Ҳисоблон машина қабул қилинган радио тўлқинни ишловдан ўтказади ва бундан зарраларнинг манбаи қандай эканлиги тўғрисида фикр юритишга имкон берувчи маълумотларни чиқазади. Ҳисобларнинг кўрсатишича, йил мобайнида рўйҳатга олинган 50 минг метеордан 400 таси галактика қаъридан келган. Уларнинг олис космик фазога саёҳати планеталарнинг йўлдошларидан бошланган бўлса керак. Чунки йўлдошлардан вулкан портлаши натижасида метеор ажралиб чиқиши учун самовий катта жисмларга нисбатан беш баравар камроқ тезланиш талаб қилинади.

Тадқиқотлар юлдузлараро фазода фотон нурланиш ҳолидаги алоқадан ташқари моддий зарралар алмашинуви ҳам борлигини кўрсатади. Бу нарса галактика тўғрисидаги илмий тасаввурни кенгайтиришга имкон беради.

(ТАСС).

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН!

ТОШКЕНТ ОТЧОПАРИДА

9 МАЙДА ҒАЛАБА КУНИГА БАҒИШЛАНГАН

АНЪАНАВИЙ САЙЛ ЎТКАЗИЛАДИ



БАЙРАМ ПРОГРАММАСИДА ОТ СПОРТИ БЎЙИЧА МУСОБАҚА, ФИЗКУЛЬТУРА КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ КЎРГАЗМАЛИ ЧИҚИШЛАРИ, АВТОМОБИЛЬ ПОЙГАСИ.

Шу куни ипподром территориясида озиқ-овқат, полуфабрикатлар савдо қилинади, кулинария ва кондитер маҳсулотлари, саноат моллари савдо-ярмаркаси очилади.

Кўчма буфетлар, ошхоналар, мороженое ва совуқ ичимликлар сотилади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ.

«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
30-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1981—1982 ўқув йилига
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

Ўқувчилар қабул қилади

Якка тартибда эркаклар устки кийимини тикувчи, якка тартибда аёллар устки кийимини тикувчи, якка тартибда аёллар енгил кўйлагини тикувчи, ошпазлар, қандолатчилар, мураккаб маиший хизмат кўрсатиш асбоб-ускуналарини ремонт қилувчи слесарлар, озиқ-овқат моллари сотувчилари, фотографлар, аёллар ва эркаклар сартарошлари.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ 1—3 ЙИЛ.

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛАР СТИПЕНДИЯ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Кириш ҳақидаги ариза директор номига ёзилиб, қуйидаги ҳужжатлар билан топширилади: туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақида гувоҳнома, соғлиғи ҳақида справка, турар жойидан справка, 6 дона фотосурат, армияга чақирилувчилар учун гувоҳнома, таржимаи ҳоли, ота-онасининг иш жойидан справка.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, 1/2-«Қорақамиш» массиви (42, 43, 43-«а», 56-автобуслар, 27-трамвайнинг «Мактаб» бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
206-ШАҲАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1981—82 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Автокранчи («С» категорияли шоферлик ҳуқуқи билан бирга), кенг профилдаги слесарь-сантехник, бульдозер машинисти, скрепер машинисти, прицепли грейдер машинисти, енгил ва юк автомашиналарини тузатиш бўйича слесарь, суворчи-буёқчи, дурадгор, электрослесарь.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ 16 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — 1 йил ва 2 йил.

АВТОКРАНЧИ ихтисоси бўйича билим юртига фақат Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар қабул қилинади.

Ўқувчиларга ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади. Сантехникларга эса 65 сўмдан стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ҳамма ўқувчилар иш ҳақининг 50 процентини оладилар. Ўқувчилар спорт секцияларида ва бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида қатнашишлари мумкин.

Билим юртини битирганларга эгаллаган ихтисослари бўйича аттестат берилади. Аъло баҳо билан битирганларга эса олий ўқув юртларининг сиртқи ва кечки бўлимларида ўқишлари учун йўлланма берилади. Олий ўқув юртларига улар имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза (ота-онасининг кўли ҳам бўлиши керак), таржимаи ҳоли, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, 4х5 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

МАШҒУЛОТЛАР —1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Мурожаат учун адрес: 700128, Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Хуршид кўчаси, 83-уй (10, 23, 27-трамвайлар, 10-троллейбус, 14, 48-автобусларнинг «Лабзак» бекати). Телефон 41-38-22.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИНИНГ 243-АВИАРЕМОНТ ЗАВОДИ ҚОШИДАГИ
121-АВИАРЕМОНТ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1981—82 ўқув йили учун
ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти 8-синф базасида (ўқиш муддати —3 йил) ва 10-синф базасида (ўқиш муддати —1 йил) қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди: учиш аппаратларининг йиғувчи-парчинловчи, учиш аппаратларини тузатувчи слесарь, самолётлар агрегатларини тузатувчи слесарь, учиш аппаратлари ускуналари бўйича электромонтажчи, механика-йиғув ишлари слесари, токарь, газ-электр пайвандчи.

МАШҒУЛОТЛАР —1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

БИЛИМ ЮРТИГА 8— 10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ ТОШКЕНТЛИК ВА БОШҚА ШАҲАРЛИК ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТУГАТГАНЛАР ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИНИНГ 243-АВИАРЕМОНТ ЗАВОДИДА ВА ЎЗБЕКИСТОН ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ БОШҚАРМАСИНИНГ БЎЛИНМАЛАРИДА ҲАМДА ШАҲАРДАГИ БОШҚА КОРХОНАЛАРДА ИШЛАЙДИЛАР.

Завод ишчиларига отпуска даврида дам олишга самолётга бепул билет берилади ва улар граждан авиацияси хизматчилари учун белгиланган бошқа имтиёзлардан фойдаланадилар. Билим юртида 3 йил ўқийдиганлар давлат таъминотида бўладилар, бир йил ўқийдиганлар эса 68 сўмдан 80 сўмгача стипендия оладилар.

Бошқа шаҳарлардан келган ўрта маълумотли ўқувчилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар институтлар ва техникумларга ўқишни давом эттириш учун юборилади-лар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), турар жойидан справка, соғлиғи тўғрисида справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 6 та фотосурат, ўқиш жойидан характеристика.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, ГА авиашаҳарчаси (25, 66, 61, 38-автобусларнинг «ГА авиашаҳарчаси», 2, 10-трамвайларнинг «Темир йўл транспорти инженерлари институти» бекати). Телефонлар 99-96-46 (ички телефон 6-46), 99-97-19, 91-20-33).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/V да Инқилоб тонгги (19.30), 6/V да Абу Али ибн Сино.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 4/V ўрт Дилафрузга тўрт ошиқ, 6/V да Тўйдан олдин томоша.

КИНО

5 МАЙДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ГЕНЕРАЛ КАРБИШЕВ» —Восток.

«УМУМҲАЛҚ ЖАСОРАТИ»— ВЛКСМ 30 йиллиги номли (кичик зал).

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БУЮК ИШЛАР БУСАҒАСИДА» — Чайка (18.30, 21.00, телефон 77-06-20), Нукус (18.30, 21.00, телефон 46-70-69), Дружба (18, 20.30, телефон 66-15-75), Москва (18.30, 21.00, телефон 33-05-01), Санъат саройи (катта зал, 18.30, 20.30, телефон 44-39-51).

«ПЕТРНИНГ ЕШЛИГИ» — Тошкент Советининг 50 йиллиги номли (20.45, телефон 48-47-25), Санъат саройи (кичик зал, 17, 19.30).

«ОМАД УЧУН КИМ ЖАВОБГАР» —Дружба (17, 19, 21.00), ВЛКСМ 30 йиллиги номли (жуфт соатларда), Тинчлик (жуфт соатларда, телефон 53-86-07).

«ҚАЛТИС ПОЙГА»— Ҳамза номли (жуфт соатларда).

«МЕРСЕДЕС» ТАҲҚИБДАН ҚОЧМОҚДА — Н. Ерматов номли (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

ҲАМЗА РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

слесарлар, сантехниклар, йиғувчилар, ускуналарни ремонт қилиш бўйича; электр пайвандчилар, газ билан қирқувчилар, электрослесарлар, қолипловчилар, қуювчилар, штамповкачилар, фрезерчилар, токарь-асбобсозлар, автокран шоферлари

КЕРАК

Елгизлар ётоқхона билан таъминланадилар. Қўйлиқ, Чилонзор, Юнусобод массивларига хизмат автобуслари қатнайди.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона — Тошкент шаҳридаги район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторлар ва аҳолини ишга жойлаштириш марказий пункти.

КИТОБСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Баъзи китоблар нашри нечиқаётганлиги муносабати билан манулатура топшириб қуйидаги китоблар учун олинган АБОНЕМЕНТЛАР МУДДАТИ 1981 ЙИЛНИНГ 1 ОКТЯБРИГАЧА УЗАЙТИРИЛАДИ

А. Грин. «ТАНЛАНГАН АСАРЛАР».
В. Гиляровский. «МОСКВА ВА МОСКВАЛИКЛАР».
И. Ефремов. «ТАИС АФИНСКАЛ».
Э. По. «ҲИКОЯЛАР».
Э. Сетон-Томпсон. «ҲАЙВОНЛАР ҲАҚИДА ЭРТАКЛАР».
М. Дрюон. «ТЕМИР ҚИРОЛ».
«ШАТО-ГАЙЕР ТУТҚУНИ».
Ф. Купер. «ҲАЙВОНЛАРНИ ТУТУВЧИ».
В. Ян. «ЧИНГИЗХОН».
А. Дюманинг «45»-КИТОБИГА БЕРИЛГАН АБОНЕМЕНТ МУДДАТИ 1982 ЙИЛНИНГ 1 АПРЕЛИГАЧА УЗАЙТИРИЛАДИ.

«ТАШКНИГА» шаҳар китоб савдоси идораси.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг 8-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА бухгалтерлар, кассирлар, меҳнат ва иш ҳақи бўлими инженерлари, нормировкачилар, катта прораблар, прораблар, мастерлар, электр пайвандчилар, суворчи-бўёқчилар, ғишт терувчилар, бетончилар, ёрдамчи ишчилар

КЕРАК

ҚУРИЛИШ МУТАХАССИСЛИГИНИ ОЛИШНИ ИСТОВЧИЛАР 1 — 2 ОЙ ИЧИДА ЎҚИТИЛАДИ. НАВБАТ АСОСИДА КВАРТИРА, ЕЛҒИЗЛАРГА ЕТОҚХОНАДАН ЖОЙ БЕРИЛАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона аҳолини ишга жойлаштириш марказий пункти.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

5 МАЙ — СЕШАНБА

МАТБУОТ КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.00 «Олға, болакайлар!». 18.45 «Бугун — Матбуот куни». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Қийноқхона». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчиси В. Дунаев олиб боради. 19.55 Концерт. 20.15 «Осмон секинюрари». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 «Солдатник шуҳрати изидан». РСФСР халқ артисти А. Консовский совет шоирларийнг шеърларини ўқийди. 22.30 СССРда бўладиган Халқаро музика фестивалининг очилишига бағишланган концерт. Консерваториянинг Катта залидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 «Раддия». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 20.40 П. Чайковский «Ромео ва Жульетта». Увертюра фантазияси. 21.00 «Денгиз қўриқхонаси». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». Мультфильм. 21.30 «Время». 22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Киев) — МАСК. Киевдан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

18.00 Матбуот кунига Мактаб ўқувчилари учун. «Камалак». 18.30 Бугун — Матбуот куни. «Партиявийлик ва халқчиллик». 19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Динамо» (Минск). «Пахтакор» марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус). 20.50 «Ахборот». 21.10 КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА. «Тўлиқ гектар — мўл ҳосил гарови». 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Журналист». Бадиий фильм. 2-серия.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Болалар учун фильм. «Гена лақабли тимсоҳ». 19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Касбим-фахрим». 19.30 Адабиёт. «Шекспирнинг барҳаёт образлари» (рус.). 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Бу ерда «Искра» нашр қилинарди». «Ярим асрдан сўнг». Телевизион ҳужжатли фильмлар (рус.) 20.50 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика 21.50 Ғалаба кунига. «Худди шундай йигитлар». Телефильм (рус.).

6 МАЙ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Моҳир қўллар». 10.35 «Осмон секинюрари». Бадиий фильм. 11.50 «Русские узоры». Халқ чолғу оркестрининг концерти. 12.15 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Енгилмас ва афсонавий». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм. 3-фильм. «Само билан қадрдон тутинганлар». Ҳарбий ҳаво кучлари ҳақида. 16.10 «Шахмат мактаби». 16.40 «Жонли хотира». Уруш йиллари публицистикаси. 17.30 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Ф. Лузанов чалади (Виолончель). 17.50 Бокс бўйича Европа чемпионати 1—4 финал Финляндиядан олиб кўрсатилади.

18.30 «Горичилар, қаердасиз!». 19.00 «КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!». Волга труба заводи. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 А. Хачатурян. «Спартак» балетидан адажио. 19.40 «Қирқ бешинчи йилнинг қиши ва баҳори». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм. 1-ва 2-сериялар. 21.30 «Время». 22.05 «М. Блантернинг М. Исаковский шеърларига ёзган қўшиқлари». Фильм-концерт премьераси. 23.05 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 «Раддия». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 20.40 Л. Бетховен. Фортепьяно ва скрипка ижроси учун 9-соната. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Валя хола ҳикоя қилади». 21.30 «Время». 22.05 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Усимлик ва унинг атроф муҳит билан алоқаси». Ботаникадан ўқув кўрсатуви. 12.00 «Уз кўзи билан». Телефильм (рус.). 12.30 «Усимлик ва унинг атроф муҳит билан алоқаси». Ботаникадан ўқув кўрсатуви (рус).

18.15 Кўрсатувлар программаси 18.20 «Ёзувчилар — болаларга». Х. Тўхтабоев. 19.00 КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА. «Ҳар бир корхонага—ёрдамчи хўжалик». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Кинореадкция почтасидан.» 20.30 «Ахборот». 20.50 Туркманистон ССРда хизмат кўрсатган артист Бобомурод Ҳамдамов куйлайди. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Пидда — бойлигимиз». 22.20 М. Богучаров. «Беозор қариялар». Телеспектакль. 1-қисм. 23.35 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 «Брест қалъаси болалари». Ҳужжатли телефильм (рус.). 19.10 Реклама. 19.30 «Халқ қалбида». «Жанговар шонушуҳрат йўллари бўйлаб» Телефильмлар. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Пойтахтимиз чирой очмоқда» (рус). 20.50 Абитуриентлар учун. Физика. 21.50 Ғалаба кунига. «У ерда, фронт ортида». Ҳужжатли фильм (рус).

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат —33-57-02, бўлимлар: партия турмуши—32-53-66; саноат—32-53-83; қурилиш— 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83, совет қурилиши ва қишлоқ — 32-54-19, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари —32-53-10, адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот—33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—32-55-32; хатлар —33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари—33-90-50.

5 МАЙ, 1981 й. Р—07115. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, ИНДЕКС 64581. Р—2114. 5